

таржима санъати ва муаммолари



Долломов Шокир Зокирович

Долимов Шокир Зокирович, ҳарбий таржимон

Тақризчилар:

А. Т. Ирискулов, филология фанлари номзоди, профессор, Ўз ДЖТУ

О. М. Мўминов, филология фанлари номзоди, профессор, Ўз ДЖТУ

О. Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, “Жаҳон адабиёти” журнали бўлим мудири

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг
илмий жамоаси ҳамда “Жаҳон адабиёти” журнали томонидан
нашрга тавсия этилган**

ТАРЖИМА САНЪАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Рисолада таржимага оид айрим масала ва муаммолар, жумладан, таржимонлик касбининг қисқача тарихи ва ушбу соҳа тўғрисида маълумотлар, таржима турлари, уларнинг ўзига хос томонлари ва бу борада тез-тез берилиб туриладиган бир қатор саволларга жавоблар, машинавий таржиманинг салбий жиҳатлари, Интернет тармоғининг таржимон фаолиятидаги ўрни, ёш таржимонлар ва етарлича тажриба тўплаб, эркин таржимонликка киришмоқчи бўлган ҳамкасбларга маслаҳат ва тавсиялар ёритилган бўлиб, асосан турли халқлар ва миллатлар, мамлакатлар ва қитъалар ўртасида маданий кўприклар солишга бел боғлаган ёш таржимонларимиз учун мўлжалланган. Бироқ, ундаги фикр-мулоҳазалар билан танишиб чиқиш катта тажрибага эга ҳурматли ҳамкасбларим ва таржима турларига буюртма берадиган муҳтарам буюртмачилар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди деб ўйлайман. Айни вақтда уларнинг мазкур рисола мазмунига доир танқидий фикрлари ва келгусида ҳаммамиз ҳам ёзиб боришимиз лозим бўлган мақолалар учун қимматли маслаҳатларини бажонидил қабул қилган, улар билан мулоқотни ўзим учун катта шараф деб билган бўлар эдим.

Физика-математика фанлари номзоди, таржимон Н. Шахова, «Таржимонлар шахри»нинг ҳокими-таржимон Екатерина Рябцева ва таржимон Андрей Шитинга мақолаларидан фойдаланишга шахсан берган хушмуомала розиликлари учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Муаллиф

perevod67@hotmail.com
tarjima67@mail.ru

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
1. Тил, таржима ва таржимонлик	6
2. Таржима жараёни	13
3. Таржима турига буюртма берадиган буюртмачилар диққатига!	16
4. Тил, луғат ва тафаккур. Маданий тафовутлар ва таржима муаммолари	20
5. Ёш таржимонларга маслаҳат ва тавсиялар	31
6. Саволлар ва жавоблар	42
Тил ва таржимонлар ҳаётига оид ҳикоялар	50
Таржима ҳақида барқанот гаплар	57
Хотима	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	63

СЎЗБОШИ

Ш. 3. Долимовнинг “Таржима санъати ва муаммолари” рисоласи инсон тафаккурининг бир тури сифатида эътироф этиладиган таржима жараёни, таржимонлик касби ва ушбу фаолият билан боғлиқ замонавий муаммолар ҳақида бўлиб, ёш таржимонлар ва таржима соҳасига қизиққанлар учун мўлжалланган.

Рисолада таржима қандай турларга бўлиниши, амалга оширилиш жараёни ва унинг босқичлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Таржиманинг асосий муаммоси, яъни таржимон олдида матнни тўлиқ тушуниш ва пухта идрок этиш талаби қўйилиши ва бундай мушкул вазифани ҳал этиш учун таржимон қандай талабларга жавоб бериши лозимлигини рисолаани ўқиб чиққач, аниқ тасаввурга эга бўласиз.

Профессional таржимон нафақат чет тилини, балки она тилида тўғри сўзлаш ва ёзишни яхши билиши шартлиги, у сўз бойлигига эга бўлибгина қолмай, ушбу бойлиқдан тўғри ва моҳирона фойдаланишни билиши кераклиги, муайян матн ёки кишининг таржима қилиниши керак бўлган нутқини таржима тилида талаб даражасида баён эта олиши лозимлиги рисолада жуда ишонарли мисол ва далиллар билан исботлаб берилган.

Шунингдек, таржима турига буюртма берадиган буюртмачилар учун қимматли маълумотлар берилган бўлиб, таржимон билан буюртмачи ўртасидаги алоқалар қандай йўлга қўйилиши кераклиги ҳақидаги тавсиялар билан танишиб чиқиш мумкин.

Таржимон турли халқлар ўртасидаги маданий тафовутлардан хабардор бўлиши, уларни аниқ тасаввур этиши зарурлиги, бир маданият вакилларида олинган ахборотни бошқа маданият соҳибларига максимал аниқ еткази олиши кераклиги, зеро таржимон касбининг ўзига хос хусусияти айти шундан иборатлиги рисола мазмунининг марказий ўринларидан бирини эгаллаган. Муаллиф таржимонлар ҳаётидан олинган мисоллар билан рисолаанинг бу борадаги мазмунини юқори маҳорат билан бойита олган.

Кишининг сўз бойлиги ва турли-туман луғатларга эга бўлиши, улардан тўғри фойдалана билиши кераклиги ҳақида, аммо матн мазмунини англаб этиш учун бундай бойлик ва луғатларнинг ўзи етарли бўлмаслиги, турли тилларга мансуб сўзлар ўртасида бир маъноли ўзаро мувофиқлик деярли йўқлиги ва таржимон контекстга асосланган ҳолда, одатда, унинг таржимасига оид бир нечта вариантлардан бирини танлашга тўғри келиши ҳақида рисола муаллифи жуда раво ва асосли маълумотлар бериб ўтган. Агар таржимон атама таржимасининг луғатда берилаётган вариантлари орасидаги маъновий фарқни билмас экан тўғри вариантни қандай танлайди деган долзарб ва жуда ўринли муаммони ўртага ташлаган.

Рисола муаллифи чет тилидан она тилига таржима қилиш билан она тилидан чет тилига таржима қилиш ўртасидаги фарқни кўрсатиб беришга уринган. Ўзбек тилига таржима қиладиган хорижлик таржимонлардан ҳам бу борада билдирилган мулоҳазаларни инобатга олишларини сўраган.

Компьютер ва Интернет тармоғининг бугунги таржимон ҳаётида тутган ўрни ва таржима сифатига кўрсатадиган таъсири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллиф Интернет тармоғида бажариладиган тилшуносликка оид қидирув амаллари борасида маълумот бериб ўтишни лозим топган. Луғатлар ва энциклопедияларнинг турли-туманлигига қарамай Интернетнинг таржимон учун аҳамияти маълумот берувчи манбалар билангина чекланиб қолмаслигини, Тармоққа жойланган саҳифаларнинг жамики мажмуи ақлга сиғадиган барча мавзуларни қамраб олувчи жуда катта матнлар корпусини ташкил этишини, замонавий қидирув тизимлари эса ушбу корпусни тилшунослик борасидаги изланишлар учун ғоят самарали қўллаш имконини яратишини ёритиб ўтган.

Ёш таржимонларга берилган тавсия ва маслаҳатларни эътиборга олиш даркорлигини таъкидлаш лозим. Бунда муаллиф дунё таржимонларининг ўз фаолияти давомида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашган.

Фикримча, мазкур рисола таржимонлар учун мўлжалланган замонавий ўқув қўлланмалардан бири сифатида кўриш мумкин. Дарҳақиқат у жуда долзарб бўлиб, нафақат таржимонлар ва таржима турига буюртма берадиган буюртмачилар учун зарур деб топиладиган, балки юртимизнинг турли ўқув даргоҳларида фаолият юритаётган устозлар ва таҳсил кўраётган ўқувчи-талабалар учун соҳага доир маълумот берувчи асосий манбалардан бири сифатида шубҳасиз керак бўладиган китобдир.

**ЎР ИИВ Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти профессори,
филология фанлари номзоди,**

Р. Р. Машарипов

1. Тил, таржима ва таржимонлик

Таржима бу, бошқа тилдаги бадиий гўзалликни ўз халқи учун ижодий ўзлаштириш, янги тилнинг қуввати ва қудратини намоиш этиб, асарни шу тилнинг санъат ходисасига айлантириш демак.

Перевод есть творческое освоение художественной красоты другого языка в интересах собственного народа, демонстрация силы и мощи нового языка, превращение какого-либо произведения в событие искусства языка перевода.

Тил нимани англатади? Таржимон-чи, ким у, хизмат кўрсатувчи мутахассисми ёки аслиятнинг рақиби ёхуд иттифоқчисими?

Тил – муайян миллатнинг атрофдаги борлиқни қандай ҳис этаётганлигини ифодаловчи, ушбу оламнинг ўзига хос томонларини тегишли мамлакатнинг географик жиҳатдан жойлашуви, тарихи, дини ва анъаналарига боғлиқ ҳолда миллат нуқтаи назарига асосланиб акс эттирувчи воситадир. Тил воситасида инсонларнинг ҳар қандай уюшмаси ўз нияти, хоҳиш ва истагини изҳор қилади.

Халқаро муносабатлар амалиётида дунё тилларининг олтитаси етакчилик қилиши эътироф этилган. Улардан бири шубҳасиз инглиз тили бўлиб, у тўрт юз миллион киши учун она тили ҳисобланади. Бундан ташқари, уч юз миллионга яқин киши ушбу тилдан миллатлараро муносабатлар воситаси сифатида фойдаланади. Жаҳоннинг яна бир ярим миллиард аҳолиси ўз иши ва ҳаётида инглиз тилини иккинчи ёки учинчи тил сифатида қўллайди.

Тилни профессионал даражада ўзлаштириб, таржимон бўлиб ишлаш деярли кенг ёритилмайдиган, ўзига хос ва етарлича нозик масаладир.

Таржимонлик касби – дунёда жуда кенг тарқалган энг ижодий касблардан биридир. Оммавий ахборот воситаларида таржимонлар ҳақида жуда кам ёзилади (гапирилади). Шунинг учун ҳам, одатда, ушбу касб тўғрисида ҳаммада ҳар хил, аксарият ҳолларда янглиш тасаввурлар шаклланади.

Таржима қиёфаси турли-туман бўлиб, унда реклама¹ матнидан шифокорлар қўллайдиган атамаларга, олим кишининг фалсафий мулоҳазаларидан чим устида ўйналадиган хоккейнинг халқаро матчига оид эътироз муҳокамасига ва шу каби чексиз мавзуларнинг биридан иккинчисига ўтишга тўғри келади. Бу эса профессионал таржимондан нафақат тилга, балки оғзаки нутққа оид билимларга ҳам эга бўлишни талаб қилади.

Эҳтимол бу касб айтайлик геолог ёки синовчи-учувчи касбидек романтик касб эмасдир бироқ, қизиқарлиги жиҳатидан муҳандис ёки меъмор касбидан қолишмайди. Ҳеч қандай касб сизга урушдан тортиб

¹ Реклама – ишлаб чиқарилган муайян маҳсулот, мол ёки кўрсатиладиган хизмат ва шу кабиларни кўз-кўз қилиш, овоза қилиш, довруқ қилиш, жар солиб макташ

илмий семинаргача бўлган вазиятларда президентлардан тортиб оддий деҳқонларнигача кузатиш, кўплаб мамлакатларга бориш, жуда кўп халқларнинг урф-одатлари, анъана ва тамойиллари билан танишиш имкониятини бермайди.

Таржима – жуда мураккаб ишдир. Сунъий интеллект технологияларига асосланган автоматик таржима тизимлари пайдо бўлиб боришига қарамай таржима ҳар доим ижодий иш бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Агар киши таржима ҳақидаги зарурий маълумотларнинг лоақал минимумидан бохабар бўлса, таржима олдида турган вазифа ечимини енгиллатиши мумкин, зеро ушбу минимум таржимонга вазифани тўлиқ англаб етиш, таржима қила олишига доир реал қобилиятини тўғри белгилаш имкониятини беради. Бунинг учун профессионал таржимонларда шаклланган кўникма ва усулларни ўзлаштириш, шунингдек, таржима бюрolari хизматларидан унумли фойдаланиш даркор. Материални баён этиш услуги, йўсини, шакли ва тарзи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Моҳир таржимонларнинг меҳнати туфайли жаҳоннинг буюк шоир ва ёзувчилари томонидан яратилган асарлардан аждооларимиз ҳузур қилиб келганлар, ҳозир эса ўзимиз ҳам фарзандларимиз билан биргаликда баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Муайян ихтисосликка доир маълумотга ва йиллар давомида тўпланадиган тажрибага эга бўлмай туриб, тилга оид маълумоти бўлмаган киши, чет тилини яхши билса ҳам ҳеч қачон яхши таржимон бўла олмайди. У ёки бу даражада ақлли ва доно кишиларнинг маълум бир матнни «Ҳеч бир қийин жойи йўқ», - деб билиб, таржима қилишга уринишганларига, бироқ аслиятнинг биринчи саҳифасини очишлари билан фақат профессионал таржимон ҳал эта оладиган муаммолар билан тўқнаш келганларига, ўз малакалари етишмасликларига иқрор бўлиб, таржимани четга суриб қўйишганларига ҳаммамиз ҳам гувоҳ бўлганмиз десам лоф қилмаган бўламан. Нима учун шундай бўлади? Чунки профессионал таржимон нафақат чет тилини, балки она тилида тўғри сўзлаш ва ёзишни яхши билади, у сўз бойлигига эга бўлибгина қолмай, ушбу бойликдан тўғри ва моҳирона фойдаланишни билади, муайян кишининг таржима қилиниши керак бўлган нутқини таржима тилида талаб даражасида баён эта олади. Ахир кўп ҳолларда хорижликларнинг жонли тили адабий бўлмаган ўзбек тилига эмас, балки китоб тилига таржима қилинади. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, таржимон матнни тўғри таржима қилиши учун гап нима тўғрисида бораётганлигини етарлича аниқ тасаввур қилиши, теран бўлмаса ҳам баён этилаётган мавзуга доир билимларга эга бўлиши керак. Шу боис умумий баркамоллик, алломалик, кенг савия – яхши таржимон табиатида шаклланган сифатлар бўлиши даркор. Кишининг ўз ихтисослигига оид билимлари, агар у таржимон сифатида тайёргарликдан ўтиб, етарлича катта тажриба тўпласа, тегишли матнларни таржима қила олишига омил бўлади.

Бугунги кунда Бутун жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро ташкилотлар ва кўплаб йирик хорижий фирмалар таржима (асосан оғзаки таржиманинг тадрижий ва синхрон турлари) юқори сифатга

эга бўлишини талаб қилмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, таржимонга юқори мартабаларга кўтарилиш, бошқа касбларга нисбатан олганда кўпроқ юртларга бориш, кўп нарсаларни кўриш, доимо кўп ҳақ тўланадиган юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш имкониятини беради. Бироқ, машҳур Женева таржимонлар мактаби асосчиларининг «Халқаро конференцияларда таржимонга таржима қилгани учун эмас, чиройли гапиргани учун ҳақ тўланади», - деган пурмаъно сўзларини унутмаслик лозим. Бу сўзлар замирида эса киши учун нурли истиқбол ва қаёққа интилиш кераклиги аён кўринади.

Таржимонлик касби азалдан энг нуфузли ва зарурий касблардан бири сифатида эътироф этиб келинган. Биринчи таржимонлар қадимги Мисрда пайдо бўлганлар ва ўша узоқ замонлардан эътиборан обрўли одамлар қаторига киритилганлар. Шарқ мамлакатлари билан чамбарчас алоқа боғлаган қадимги Грецияда эса чет тилини билган кишилар алоҳида мавқега эга бўлганлар. Агар улар бўлмаганларида жаҳон халқларининг маданий бойлиги саналадиган Библиянинг кўп китоблари эҳтимол бўлмаган бўлар эди. Маълумки, Тавротнинг аксарият қисми фақат грек таржимасида сақланиб қолган. Қадимий Русда (Россияда) тилмоч-роҳиблар жуда ўқимишли кишилар сифатида тан олинганлар, Наполеон Бонапарт эса «Иккита тилни билган аскар икки нафар жангчи ўрнини босади», - деб таъкидлаб ўтган.

Бугунги кунда халқаро алоқалар шу қадар жадал кечиб бормоқдаки, таржима қилиниши керак бўлган ҳужжатлар сони (аслият ҳажми) кун сайин кўпайиб бормоқда. Сўнгги йилларда оғзаки таржиманинг ҳам, ёзма таржиманинг ҳам ҳажми сезиларли равишда ортиб кетди. Таржимонлар сафига қўшилганлар сони кўпайди. Чет тили ва тилшуносликка оид маълумотга эга бўлишни истаганлар сонининг ортиб бориши эса – таржимонлик касбига талаб ҳамон долзарблигича қолаётганлигидан далолат беради.

Таржимонлик касбининг айрим афзалликларини кўриб чиқамиз. Оғзаки таржимон ишига эътибор қаратайлик. Таржима жараёнида у нафақат шунчаки таржима қилиб боради, балки кишилар ўртасида ҳамфикрлик ва шериклик муҳитини қарор топтиради. Таржимон нафақат ҳар хил тилларда гапирадиган одамлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади, балки мисол учун, тижорат ёки сиёсат ишларини юритиш усулларига оид тасаввурлари бир-бириникидан кескин фарқ қилувчи турли маданият вакиллари ўртасида умумий нуқтаи назар шаклланишига эришиш учун ёрдам ҳам беради.

Бугунги кунда «Чет тилини билиш, керакли тошнинг оғири бўлмагани каби халал қилмайди», - деган фикр-мулоҳазалар адолатли эканлигига шубҳа йўқ. Чет тилини лоақал луғат орқали ўқийдиганлар учун бўш иш ўринлари 70%ни ташкил этмоқда. Шундай экан, ҳаётда озми-кўпми бинойидек говорить, спик ёки шпрех қиладиганларнинг ишга жойлашишлари кафолатланган. Таржимонлар тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади, ахир тилшунос-таржимон дипломига эга бўлган мутахассис

кам деганда иккита (!) тилни мукаммал ўзлаштирган ҳисобланади-ку.

Умуман олганда, профессионал таржимон ўзини кўрсата олиши мумкин бўлган соҳалар бугунги кунда жуда бисёр. У хоҳласин фақат ўз ихтисослиги бўйича ёки мисол учун реклама, журналистика, туризмга оид бизнесда ишламоқчи бўлсин – иш топади. Йирик нашриётларда таржимонга эҳтиёж доимо кучли бўлиб келган. Модомики, таржимонлар олий ўқув муассасадаги беш йил ўқиш давомида нафақат тилшунослик, балки филологик маълумотга эга бўлар эканлар бундай ҳолатдан ҳайратланишга ҳеч бир сабаб йўқ, албатта. Тадбиркорлик соҳаси ҳам таржимонларни кучоқ очиб кутиб олади. Тил билган менежер ўз соҳасида катта тажриба тўплаган оддий менежерга нисбатан кўпроқ қадрланади. Лоақал инглиз тилини мукаммал билиш хорижий компанияга ишга кириш учун зарурий шартлардан бири саналади. Бундай фирмаларда тўланадиган иш ҳақининг миқдори сезиларли бўлиб, бундан ташқари фирма ходимига катта ижтимоий имтиёзлар берилади ва энг нуфузли маҳаллий шифохоналардан бирида бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Бироқ, бундай имтиёзлар-у, нозу-неъматларга эришиш учун киши авваламбор тилшунос маълумотига эга бўлиши шарт. Фикримнинг исботи тариқасида қуйидаги латифа диалогининг мазмунига эътибор қаратинг:

- Скрипка чалишни биласизми?

- Ҳеч чалиб кўрмаганман бироқ, скрипка чалинишини кўп кўрганман, уддалай олсам керак деб ўйлайман.

Ҳофизликка талабгорнинг иззати нафси устидан негадир ҳамма баравар кулади, аммо мусиқа санъати ўрнига таржима санъати қўлланилса бундай даъво ҳақиқатга яқинроқ туйилади гўё. Чамаси, кўпчилик таржимани санъат сифатида кўрмайди. Мен эса бунинг аксини шарҳлаб беришга уриниб кўраман.

Қадим-қадимда тил билан боғлиқ муаммолар деярли бўлмаган. Негаки ўша замонларда одамлар асосан қўшни қабилалар билангина мулоқот қилишган холос. Кема-карвонлар қатнови, бошқа ҳаракат воситалари, вақт ўтиб алоқа воситалари тараққий топа боргач эса – ўзга тил соҳиблари билан сўзлашиш, уларнинг адабиётига мансуб асарларни мутолаа қилиш зарурати юзага келди. Шу залда таржимонларга эҳтиёж сезилди, кейинчалик эса ҳаёт саҳнасида таржимонлар пайдо бўлди.

Фаолиятларининг турига кўра таржимонлар оғзаки ва ёзма таржимонларга бўлинади. Таржима турлари бир-биридан кучли фарқ қилувчи соҳалар бўлиб, Шарқий Европа тилларида иккита ҳар хил касб сифатида, мисол учун инглизларда оғзаки таржимон **interpreter**, ёзма таржимон эса **translator** деб кўрсатилади.

Биринчи гуруҳга мансуб таржимонлар, ўз навбатида, синхрон ва тадрижий таржимонларга ажратилдилар. Иккинчи гуруҳга мансуб таржимонлар эса – техник ва бадиий адабиёт таржимонларига бўлинади.

Кундалик турмуш нуқтаи назаридан қараган аксарият одамлар «Иккита тилни яхши билган ҳар қандай киши бир тилни иккинчисига ўгира олади», - деб ўйлайдилар. Афсуски, бу фикр фақат оддий ҳаётий вазиятдаги

матнлар таржимасига, мисол учун кечки овқат учун керакли таомларга оғзаки буюртма бериш ёки учрашув вақтини белгилаб телеграмма юбориш зарур бўлган ҳолатларга тааллуқлидир. Бундай пайтда кўпчилик тегишли жумлаларни таржимонсиз ҳам таржима қилиши мумкин. Бироқ, аслиятнинг нафақат умумий мазмунини, балки барча тафсилотларини тўла-тўқис тушуниб етиш, шунингдек, ўзбек тилини мукамал билишни талаб қиладиган катта ҳажмли бадий, юридик, техник ёки тиббиёт соҳасига оид матнлар билан боғлиқ ишлар ҳозирча профессионал таржимонлар ваколатига кирадиган ишлигича қолмоқда.

Шунингдек, кўпчилик «Ҳар қандай таржимон таржимонликнинг ҳар қандай турини удралайди», - деб ўйлайди. Ядро физикаси ёки молекуляр биология бўйича она тилимизда ёзилган китобни ўқиб ёхуд тегишли олимнинг ушбу мавзуларга доир ўқиган маърузасини тинглаб, китоб матнини (маърузани) тўла-тўқис тушунган-тушунмаганлигини ҳақида хулоса чиқаринг. Ана энди, ушбу матнни таржима қилиш кераклигини тасаввур қилиб кўринг. Таржиманинг асосий муаммоси – таржимон олдига матнни тўлиқ тушуниш ва пухта идрок этиш талаби қўйилишидан иборат. Бундай талаб бўлмаганда таржима асосан механик равишда муайян тилга мансуб сўзларни бошқа тилда қўлланиладиган сўзлар билан алмаштиришдан иборат бўлиб қолар ва бу иш компьютер томонидан аллақачон бажарилган бўлар эди. Бироқ, компьютерли (машинавий) таржима ҳозирча кишини кулишга мажбур қилади холос.

Компьютер ҳам, тегишли соҳага дахли бўлмаган таржимон ҳам ягона бир сабаб туфайли айнан бир хил хатога йўл қўяди – атамалар таржимасининг вариантини² тўғри танлай олмайди. Таржимон ихтиёрида мавжуд луғатлар (ҳатто соҳавий луғати бўлса ҳам) бундай вазиятда ёрдам бера олмайди. Негаки ҳар бир атама ёки сўз кўпдан-кўп маъно англатиб, уларнинг тўғри вариантини контекстни тўғри идрок этмай танлаб бўлмайди.

Жумла қисқагина бўлса ҳам уни турлича таржима қилиш мумкин. Атаманинг, кўп ҳолларда ўзбек тилида учрамайдиган адекват³ мазмунини қидириш учун гоҳо бир неча соат ишлаш, изланиш керак бўлади. Чет тилининг айрим иборалари ёки бадий матнлар эквиваленти⁴ устида олиб бориладиган ишларни эса якунига етказиш жуда қийин. Таржима – ички ҳис, шахсий ҳаётини тажриба, матн замиридаги маънони англаш ва шу каби кўплаб мезонларни ўз ичига қамраб олувчи ижодий ишдир.

Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ёзишни билган ҳар қандай одам ёзувчи бўла олиши адолатдан қанчалик йироқ бўлса, икки тилни билган ҳар қандай инсон таржимон бўлиши ҳақиқатдан шунчалик ўзоқдир. Муайян тилдан олинган ахборотни бошқа тил воситасида одамларга етказиш учун, биринчидан, киши ушбу ахборотни аниқ тушуниши, иккинчидан эса ўз тушунчасини баён эта билиши керак. Шубҳа йўқ-ки на у

² Вариант – луғатда келтирилган сўзлардан бири маъносида

³ Адекват – аслиятга мос маъносида

⁴ Эквивалент – бир матнга ҳар жиҳатдан мос бўлган, у билан алмашина оладиган матн маъносида

кўникма ва на бу маҳорат тил билиш билан баробар автоматик равишда шаклланмайди. Ахир математик, кимёгар ёки файласуф нутқини ўз она тилида тинглаётган ҳар қандай киши ҳам тушуниб етмаслиги барчага аён-ку. Ўзига маълум ахборотни равон баён этиш қобилияти ҳаммада ҳам баробар ривожланмаган. Мисол учун, кўплаб атоқли олимлар уч пулга қиммат нотик бўлишганлари, айримлари эса ўз тадқиқотларини ёзма равишда баён этиш учун ҳаммуаллиф таклиф қилишга мажбур бўлишгани маълум ёки биламизки мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси ҳам китоб мутолаа қилади, бироқ улар орасида иншони аъло баҳога ёзадиганлари санокли бўлади.

Оғзаки таржимонлар ёзма таржимонларнинг ёки техник адабиёт таржимонлари бадий адабиёт таржимонларининг ишини бажара олишлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам уйдирмадир. Муайян бир мавзуга мансуб таржима бошқа мавзуга оид таржимага нисбатан осон кечади, бир мавзуни таржима қилган ҳар қандай таржимон бошқа мавзуни ҳам таржима қила олади дейиш ҳам нотўғридир. Турли ихтисосликларга мансуб шифокорларни даражаларга ажратиш бирор маъно ифодаламаганлиги каби таржимонларни даражалар билан фарқлаш ҳам шунчалик беҳуда. Невролог урологга нисбатан малакали шифокор деб бирор-бир киши даъво қилмаса керак. Тиш каналига плomba солиш илтимоси кардиологни қандай мушкул аҳволга солиб қўйса, радиоҳаваскорлик дарслигини таржима қилиб бериш илтимосини эшитган «Хамлет»нинг таржимони раҳматли Чўлпон ҳам шундай аҳволга тушиб қолган бўлар эди. Айни вақтда радиотехникага оид мавзулар таржимони «Гамлет»ни таржима қила олиши амри маҳолдир. Агар тадрижий таржимонлар нотикнинг беш дақиқали нутқини ёдида сақлаб, бошқа тилда тўла-тўқис баён эта билиш қобилиятлари билан синхрон таржимонларни тез-тез ҳайратга солиб турсалар, синхрон таржимонларнинг нотик билан баробар сўзлаб бориш қобилиятлари олдида қолган таржимонларнинг қойил қолиши муқаррардир.

Юқорида зикр этилгандай оғзаки таржима синхрон ва тадрижий турларга бўлинади. Аксарият буюртмачилар ҳар қандай оғзаки таржимани синхрон таржима деб атаб адашадилар. Аслида эса синхрон таржима оғзаки таржиманинг махсус, жуда мураккаб ва қиммат тури саналади.

Тадрижий таржимада нутқ порцияларга бўлиниб таржима қилинади, яъни: гапираётган одам жумлани ёки нутқининг муайян бир қисмини талаффуз этгач, таржимон унинг гапини таржима қилиб бўлганига қадар гапиришдан тўхтайдди, сўнг сўзини яна давом этади. Таржиманинг ушбу тури иш юзасидан олиб бориладиган музокаралар, турли техник монтажлар, шаҳар бўйлаб экскурсия каби тадбирлар, бир сўз билан айтганда – мулоқот вақти у қадар чекланмаган, томонлар фикр алмашадиган вазиятга кўпроқ тўғри келади.

Синхрон таржима эса ўз номидан кўриниб тургандай, нотикнинг нутқ ўқиш жараёни билан синхрон кечади, яъни: нотикнинг нутқи, таржима қилиниши учун, бирор дақиқага бўлсин тинмайди, таржимон ҳам узлуксиз

гапиради. Шунга мувофиқ, нотиқ билан таржимоннинг овозлари кўшилиб кетмаслик мақсадида синхрон таржима учун қиммат турадиган махсус асбоб-ускуна ва жиҳозлар қўлланилади (икки нафар таржимон кабинада ўтиришади ва биттасининг овози қулоқларга тақиладиган радиокарнайчалар орқали тингловчиларга трансляция қилинади). Таржимоннинг ушбу тури олий даражада ўтказиладиган учрашувлар, конференциялар, симпозиумлар ва шу каби расмий тадбирларда қўлланилади.

Нутқни таржима қилиш ва синхронлигини таъминлаш учун синхрон таржимон нотиқнинг ярим дақиқа олдин айтган гапини микрофонга талаффуз этиб, бир вақтнинг ўзида қулоғига тақилган радиокарнайча орқали нотиқ сўзларини тинглаб боради. Бу иш таржимондан зўр ғайрат ва диққат-эътиборли бўлишни талаб қилиши боис осон кечмайди, шунинг учун ҳам кабинада икки нафар таржимон ўтириб, ҳар ярим соатда бир-бирини алмаштириб боради (акс ҳолда ёлғиз таржимон бардоши панд беради).

Синхрон таржима – жуда мураккаб, юқори малака талаб қиладиган иш бўлиб, уни жуда оз, синхрон таржимон деб аталадиган мутахассислар бажара олади холос. Бундай таржимонлар сони доимо оз бўлиб келган ва озлигича қолади.

Афтидан, таржима турлари таржимонлардан турлича қобилият ва мижозга эга бўлишни талаб қилади. Оғзаки таржимон фикр-хаёлини бир ерга жамлаб олиши керак. Зеро унинг вазифаси ахборотни шу ерда ва ҳозир етказишдир.

Мисол тариқасида, машҳур «... Кузянинг онасини кўрсатиб қўяман» идиомасини олайлик. Шунга ўхшаш ибораларни олдиндан тайёргарлик кўрмасдан, яъни бир миллат тилида айтиладиган иборани иккинчи миллат тилида қўлланиладиган мутаносиб иборага таржима қилиш қанчалик қийин эканлигини тасаввур этасизми? Ўша даврнинг таржимони Хрушев нутқидаги ушбу тарихий сўзларни қандай таржима қилганини билмайман-у, бироқ мартабаси бироз пастроқ аудиториядаги бошқа таржимон бундай вазиятда: «Нотиқ таржима қилинмайдиган сўз ўйинини қўллаб ҳазиллашди. Ўйлайман-ки агар ҳозир жилмайиб қўйсангиз унга хуш келади», - деб айтганидан хабарим бор. Таржимон ўзининг мана шу сўзлари билан аудиториядаги тингловчиларнинг зарурий таассуротига эришганлигини фаҳм қилган бўлсангиз керак.

Яна бир мисол. Кинофильмни таржима қилиш учун инглиз тили таржимони таклиф этилган экан. Сеанс бошлангач, таржимонга фильм инглиз тилида эмас араб тилида эканлиги маълум бўлибди. Ушбу тилдан тамомийла беҳабар таржимон иккиланганича бир неча сония ўйланиб қолибди-ю, гўё таржима қилишга киришиб кетгандай, бор заковатини ишга солиб фильмда кўрган воқеаларни шарҳлай бошлабди. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган томошабинлар фильм ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиб, мамнун тарқалибдилар. Ахир таржима мақсади шу эмасми?

Ушбу қизиқ ҳикоялар (гарчи улар воқеа қаҳрамонларига кулгили туюлмаса ҳам) оғзаки таржимон қандай сифатларга эга бўлиши

зарурлигини яққол намоён этмоқда. Воқифлигидаги етишмовчиликни ўз топқирлиги, ақлининг расолиги ва билимдонлиги билан енгиш, шунингдек, ахборотни тингловчиларга тўла-тўқис етказиш учун зарур бўладиган санъаткорлик қобилиятига эга бўлиш, қолаверса худди нотик сифатида гавдалана билиш – оғзаки таржимон табиатида тарбияланган сифатлар бўлиши лозим.

Бадиий адабиёт таржимони (умуман ёзма таржимон) юқорида зикр этилган сифатлардан тамомила маҳрум, уятчан ва узоқ ўйлайдиган бўлиши, унга тикилиб турган омма олдига чиқиб бирон-бир сўз айтишдан ҳайиқиши, дудуқланиши ёки пўнғиллаб гапириши (эҳтимол ногирон бўлиши) мумкин. Бироқ, шу билан бирга у адабиёт санъатининг моҳир устаси, аслиятнинг услуби ва ҳижосини кўрсата олиш қобилиятига эга йирик мутахассисдир. Негаки, у нафақат чет тилини яхши билиши, балки она тилини мукамал тасарруф этган бўлиши, таржима қилинаётган асар мароми ва услубини пухта идрок этиши лозим. Бадиий адабиёт таржимони аслида – мустақил ёзувчидир. Оғзаки таржимон таржима давомида, нутқда тез-тез учрайдиган ҳолат каби битта сўзни бир неча бор қўллайдиган бўлса, ёзма таржимон анча-мунча маънодош сўзларни хиллаб чиқишга мажбурдир. Ахир, қуёш ботишининг тасвири битилган матнда «гўзал» сўзи кетма-кет етти маротаба ўқилса сал ғалатиноқ бўлмайдими?!

2. Таржима жараёни

Таржиманинг абстракт моделларини четлаб ўтган тарзда авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, таржима жараёни ҳанузгача нутқнинг киши онгида шаклланиш жараёни каби жумбоқ бўлиб қолмоқда. Аммо таржима амалиётида бажариладиган ишлар икки босқичдан иборат бўлиши аён. Улардан бири чет тилида битилган аслият матнини идрок этиш бўлса, иккинчиси – матнни таржима тилида тасвирлаб беришдир. «Биринчи босқич инсон бош миясининг фақат таҳлил қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи босқич олинган ахборотни синтез қилишига таянади», - деб фикр-мулоҳаза юритиш ноўриндир. Аслида миянинг ахборотни қабул қилиш ва киши ижод қилиши билан боғлиқ фаолиятини, мулоҳаза юритилаётган босқичларнинг ҳар бирида таҳлилсиз ва синтезсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон билишидаги ушбу самарали воситаларнинг диалектик бирлиги чет тилида битилган матнни идрок этиш ва уни таржима тилида ифода этиш мобайнида ҳам намоён бўлади.

Таржиманинг зикр этилган босқичларини бадиий асар таржимаси мисолида кўриб чиқилса мантиқан тўғри бўлади деб ўйлайман, зеро бундай таржимада ўзига хос хусусиятлар ва мураккаблик тўла-тўқис намоён бўлади.

Аслият матнини идрок этиш деб аталган биринчи босқич сезги аъзолари ва бош миянинг таҳлил этиш ва синтез қилишга оид ишининг турли-туман кўринишлари ва шакллари асосланган жуда мураккаб сенсор-тафаккур жараёндан иборатдир. Таржимон ушбу босқичда аслият

матнини тўлиқ тушуниб етишга, гап бадиий ёки публицистик матн устида борганда эса асарни «ҳис этиш», унинг эстетик баҳосини англаш, ўқувчи ёки тингловчига таъсир қилиш даражасини ҳам идрок этиб олишга интилади. Таржимон зийрак рецептор (воситачи) бўлиши кераклигини ҳам унутмаслик лозим. У таржима қилинадиган матн маъзини чақибгина қолмай, унинг ифодали ва ҳис-туйғули таъсирини ҳам ўқиб олиши шарт.

Ушбу муаммо, гарчи адекват таржима кўп жиҳатдан нафақат асарни тўғри тушуниб етишга, балки уни ҳис-туйғу ила, мазмунига баҳо бериб борган тарзда идрок этишга боғлиқ бўлса ҳам таржима назариясида ҳали илмий асосга эга бўлмаган. Такрорланмас индивидуаллигини ўзига мужассам этган инсон рецептор сифатида чиқар экан – матн рецепцияси турли индивидларда мутлақо баробар бўлмайди. Билим ва тажриба захираси, фикр юргизиш ва ҳис этиш қобилияти, тарбия ва маълумот, адабий дид ва иштиёқ, она тилини ўзлаштирганлик савияси, муайян ижтимоий муҳит ва жамоа манфаатларининг ўтказадиган таъсири, дунёқараш ва шахсият шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳатто эгизакларда ҳам мутлақо бир хил бўлмайди. Бироқ, бу тавсифлар ҳар хил одамларда кўп жиҳатдан мос келиши, ушбу мувофиқлик даражаси айнан бир ижтимоий гуруҳ вакилларида ортиб бориши туфайли ўзлаштиришда, мисол учун, бадиий асар мазмунини идрок этишда нисбий бир хиллик реал мавжуддир.

Матндаги семантик ва ҳис-туйғули мазмуннинг жамики объектив ҳажмини англаб етиш имконини берувчи билим ва эстетик идрок савиясига эга бўлиш рецептор сифатида чиқадиган таржимон учун жуда муҳимдир. Мабодо, таржимон билимларининг захираси чекланган, ҳис-туйғули тафаккури заиф бўлса, матнни идрок этиш қобилияти унда етишмай қолиши мумкин. Агар таржимон ўхшаш камчиликларга гирифтор бўлмаган бўлса, аслиятни нисбатан тўлиқ идрок этади. Матнни идрок этиш даражасидаги фарқ ва ушбу жараённинг индивидуал-шахсий жиҳатдан ўзига хослигида тафовут бўлиши туфайли битта аслиятнинг айни бир вақтда турлича ва айтарли эквивалент таржималари юзага келади.

Таржиманинг ҳар бир тури ва кўриниши аслият матнини идрок этиш босқичида ўзига хос жиҳатлар ва хусусиятларга эгадир. Модомики гап бадиий асар таржимаси устида борар экан, ушбу босқич кам деганда икки қисмдан иборат бўлишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улардан бири таржимага қадар идрок деб аталади. Бунда таржимон бадиий асарни биринчи (гоҳо иккинчи ва ундан ортиқ) бор ўқиб чиқиши давомида идрок этади, тушуниш ва «ҳис этишга», унинг бадиий қимматини англаб етишга интилади, услубий жиҳатдан қандай шаклланганлигини аниқлайди, таржима матни, таъсирчанлик даражаси қандай бўлиши, муайян сўз, жумла, ибора, абзац кабилар қандай таржима қилиниши кераклигини белгилайди.

Аслият матнини идрок этиш босқичининг иккинчи қисмида, яъни у таржима қилинишидан олдин чет тилида битилган матннинг жумлаларга бўлинган рецепцияси рўй бераётганида, таржимон, аслиятдаги алоҳида

элементлар (сўзлар ва сўз бирикмалари) мазмунини ва ҳар бир жумла маъносини идрок этганча таҳлил ва синтезни ишга солади. Айни вақтда нафақат матнни тушуниб етиш, балки сўзлар воситасида «чизиб берилган» асар қаҳрамонлари ва вазиятни кўра билиш таржимон учун жуда муҳимдир. Сўз умумлаштириб берадиган воситагина холос. Сўз, коммуникацияда иштирок этаётганлар ўзларига яхши маълум бўлган ёки кўринаётган аниқ нарсалар, кишилар, жисм ёхуд объектлар ҳақида гапиргандагина муайян маънога эга бўлади. Шундагина аслият таржимасини яратадиган ва ушбу таржимани келажақда ўқийдиган ўқувчилар онгида муайян тасаввурлар ва аниқ қаҳрамонлар гавдаланади. Акс ҳолда ўқувчи онгида мавҳум тасаввур шаклланади. Агар бирор-бир матн «Хонада стол турибди» сўзлари билан бошланадиган бўлса, «хона» ҳам, «стол» ҳам умумий тушунча сифатида идрок этилади. Ўқувчилар ушбу «хона» ва «стол»ни кўрмайдилар, тасаввур этганларида ҳам уларнинг ҳар бири ўзига қулай йўсинда, яъни тўғри келган хона ва дуч келган столни тасаввур этадилар. Матн сўзларининг тушунча сифатида идрок этилиши ўз маданияти, этнографик ҳаёт тарзи ва ижтимоий тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган халқлар тилида битилган матнларни таржима қилиш имкониятини беради.

Бадиий асар яратган ёзувчи асар қаҳрамонларини, ундаги муайян муҳит, ҳодиса ва шу кабиларни тасвирлар экан аксарият ҳолларда, ушбу объектни тафсилотларга бўлиб кўрсатади. Мисол тариқасида «Иккита дераза ёритиб турган баланд шифтли катта хонанинг қоқ ўртасида оёқлари ўйма нақшли, тўғри бурчакли қора стол турар эди» жумласини олайлик. Бундай матн нафақат тушунча сифатида идрок этилади, балки ўқувчи онгида аниқ тасаввур шаклланишига омил бўлади. Таржимон сўз воситасида чизилган манзарани кўради, хона ҳам, стол ҳам ёзувчи қалами билан нисбий конкретликка эга бўлади. Асар қаҳрамонлари, ҳаракат рўй бераётган жой, манзара, табиат ҳодисаси кабиларга оид ҳар қандай тафсилот – конкретлаштириш ва индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, таржимоннинг матнни аниқ тасаввур билан идрок этишига туртки беради. Ёзувчи тасвирни тафсилотларга бўлиб кўрсатар экан, мавҳум тушунчани индивидуал тушунчага айлантиради. Ушбу индивидуалликда умумлаштирилган нарсалар ҳам бисёр бўлиши мумкин, албатта. Ёзувчи реал намоён бўладиган кўп нарсаларни муайянлаштиради, ягона бир тасвирга умумлаштиради ва адабий асарнинг бадиий воқеийлигидаги ушбу тасвир ягона ва конкрет бўлиб қолади.

Агар адабий асардаги жумла маъноси идрок этилган бўлиб, у нафақат сўз, балки «идеал»⁵ шаклда гавдаланса, тафаккур бирликлари, хусусан: тушунча, мулоҳаза, аёний қаҳрамонлар, тасаввурлар ва ҳис-туйғулар сифатида намоён бўлсагина таржима жараёнининг иккинчи босқичига – матнни, аслиятнинг идрок этилган жумласини таржима тилида тасвирлаш босқичига ўтилади.

⁵ Идеал – энг юксак тимсол маъносида

Таржима жараёнининг иккинчи босқичи ҳам кам деганда икки қисмдан: жумлаларни таржима тилида қайтадан ифодалаш ва асарни идентификациялашдан (айнан ўхшатишдан) ташкил топади.

Таржима қилиниши керак бўлган жумла замиридаги семантик ҳамда ҳис-туйғу ва таъсирчан ахборотни идрок этгач, таржимон, мазмун ҳажмини тўла сақлаб қолишга интиланганча, ушбу ахборотни таржима тилининг моддий бирликлари воситасида қайтадан яратади. У аслиятнинг ҳар бир сўзи ёки сўз бирликларига мос келадиган сўз ёхуд сўз бирлигини қидирмайди (айримлар шундай қилиш керак деб ўйлайдилар), аксинча матн маъносини қайтадан ва энди таржима тилида ифодалайди.

Асар матнини қайтадан ифодалаб чиқиш жараёни якунига етгач, таржимани идентификациялаш, яъни таржима матнига ишлов беришга (уни сайқаллаштиришга) ўтилади. Таржима жараёни пировардида маъноси ҳамда функционал-услубий ва ғоявий-бадий мазмуни жиҳатидан аслиятга айнан ўхшаш (адекват) бадий асар яратилади. Бунда, таржима қилинган ҳар бир жумла ва абзац аслиятдаги тегишли матн билан синчиклаб таққосланади, солиштириб чиқилади. Бу эса, ўз навбатида, ахборотнинг йўқотилган қисмини топишга омил бўлади. Айни шу даврда керакли сўз қидириш, синтактик манзарага аниқлик киритиш, функционал-услубий ва жанрга оид мувофиқлик, воқеаларни тўғри тасвирлаш, сўз ўйини, ўзбек адабиётида ўзига хос ҳодисага айланиши кутилаётган таржимага якуний сайқал бериш билан боғлиқ «ижод азоблари» бошланади. Давомийлиги аслият матнининг ҳажми, тил ва адабиётга оид қийинчиликлар, шунингдек, таржимон маҳорати ва тажрибасига боғлиқ бўлган ушбу даврда қўлёзма устида олиб борилган ишлар ниҳоясига етади. Қайта ўқиб чиқилганида эса унга деярли сезилмас тузатишлар киритилади.

Ҳар бир профессионал таржимонда ўзига хос услуб ва кўникмалар шаклланган бўлади, албатта. Бироқ у, юқорида зикр этилган босқичларни четлаб ўтолмайди, негаки уларда, инсон тафаккурининг бир тури сифатида эътироф этиладиган таржима жараёни объектив акс эттирилган.

3. Таржима турига буюртма берадиган буюртмачилар диққатига!

Афсуски, таржима турига буюртма берадиган буюртмачиларнинг ҳаммаси ҳам таржимон таржимага олдиндан тайёргарлик кўриши кераклигини англаб етмайдилар. Баъзан худди шу масала юзасидан буюртмачи билан таржимон (таржима агентлиги) ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, таржимон ўзига таниш бўлган барча соҳаларга оид юзлаб атамаларни ёдида сақлаб юриши мумкинми?! Шунинг учун ёзма таржимонлар ҳам, оғзаки таржимонлар ҳам ўз фаолиятлари давомида луғатлар ва бошқа қўлланмалардан фойдаланадилар. Луғатлар ва Интернет тармоғи таржимон учун дурадгорга тешадек жуда зарур асбобдир. Агар иш давомида ёзма таржимоннинг хотиржамгина луғат варақлаб ўтириш

имкони бўлса, унинг оғзаки таржима қиладиган ҳамкасби бундай имкониятдан маҳрум бўлади.

Оғзаки таржимонга олдиндан кўрган тайёргарлиги ёрдам бера олиши мумкин холос. Шу боис, муҳтарам буюртмачи, таржимон таклиф қилинган семинар ёки музокараларда гап нима тўғрисида бориши ва таржима мавзуси хусусидаги материаллар сўралса ажабланманг. Бу таржимоннинг малакаси паст эканлигидан эмас, аксинча бундай саволлар таржимоннинг профессионал эканлиги, ўз ишига виждонан ёндашаётганлиги ҳақида далолат беради. Шунинг учун ҳам таржимонга (имкон қадар олдиндан) таржима мавзусига оид, қайси тилда (чет ёки ўзбек тилида) ёзилган бўлишидан қатъий назар турли материалларни, хусусан: реклама проспеклари, техник тавсифлар, тадбир дастури, экранда намойиш этиладиган материаллар (презентациялар), ҳаттоки тадбирга доир олдин олиб борилган ёзишмаларни ҳавола этиш лозим. Тайёргарлик кўриш учун материаллар бўлмаса таржимон Интернет воситасида тайёргарлик кўриши мумкин, албатта, бироқ буюртмачи томонидан ҳавола этилган материаллар кўпроқ фойдалидир, негаки ушбу маълумотлар таржима мавзусининг мазмуни ва лексикасини аниқроқ тасвирлаб беради.

Бозорнинг ҳар бир сегменти, қўйинги ҳар бир соҳасида аксарият бефойда анъана ва ёлғон-яшиқлар бор. Масалан радио ва телеускуналар сотадиган сотувчилар дўконларида мавжуд жамики техника Японияда тайёрланган деб, ёймачилар эса жинсини туркларники, пардоз-андоз буюмларини французларники, пойафзалнинг ҳаммаси Италиядан келтирилган деб харидорларни ишонтиришга уринадилар. Харидорлар эса, ўз навбатида, сотувчиларнинг бундай баёнотлари маркетингча усул эканлигини яхши тушунадилар. Малакали техник адабиёт таржимонлари, одатда битта, етарлича тор соҳага ихтисослашадилар. «Техник, юридик, иқтисодий, тиббиётга оид ва ҳар қандай бошқа матнларни таржима қиламан» каби эълонлар профессионал таржимонларда шубҳа туғдиради. Ҳар бир мактаб ўқитувчиси рус тили, математика, география ва расм дарсларини бир хилда яхши ўқита олиши эҳтимолдан қанчалик йироқ бўлса, бундай таржимон маҳоратига ишониш ҳам шу қадар қийиндир.

Шу ўринда яна бир масалага, у ҳам бўлса таржима бюрolari масаласига тўхталмоқчиман. Таржима бюрolarининг кўплари мижозларни сийлаш учун юқорида зикр этилган уйдирмалардан холи эмас. «100 дан кўп тилларда ёзилган ҳар қандай матнларни таржима қиламиз» каби эълонлар бериб, ўз имкониятларини ошириб кўрсатган бюро ҳақиқатан ҳам ишни сифатли бажара олиши даргумондир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, масалан олтмиш бешта тилдан таржима қилиш учун бюро кам деганда 65 нафар таржимонга эга бўлиши керак. Таржима матнлари тўғри битилганини текшириш мақсадида ўқиб чиқишлари ёки лоақал, айтайлик суахили тили таржимони тутуриқсиз гаплар ёзиб келмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бюро штатида⁶ яна шунча таҳрирчилар бўлиши даркор. Агар инглиз,

⁶ Штат – бир корхона ёки муассасада ишлайдиган кишиларнинг доимий таркиби

француз, немис тили таржимонларини иш билан тўлиқ таъминлаш имкони бўлса, ҳар ой улар билан баробар маош оладиган мисол учун, форс тили мутахассислари учун буюртмалар бюрога кўп келиб тушавермайди. Бундай таржималар бюроси вазиятдан қандай чиқади деган савол туғилиши табиий. Вазиятдан чиқиш унга чўт эмас. Буюртмангизни «Таржима қилишни биламан», - деб оғиз очган биринчи одамга бериб юборади, вассалом.

Қизиқ бир воқеани мисол тариқасида келтирмоқчиман. Буюртмачи шундай бюролардан бирига келиб матнни фин тилига таржима қилиб беришни сўрабди. Муддат ўтгач, ишни қабул қилиб олиб, белгиланган ҳақни тўлабди. Таржиманинг аниқлиги ва сифатига таржима бюросининг менежери ҳам, буюртмачи ҳам шубҳа қилишмаган. Қаллоблик эса кейинчалик – ҳужжат Хельсинкига етиб борганидан сўнггина фош бўлган. Гап шундаки, матн фин тилига эмас, швед тилига таржима қилинган экан.

Таржимонлик йирик даромад келтирадиган соҳа эмас, албатта. Шу боис таржима агентлиги ҳар қандай ишни ўз зиммасига олаверади: натижани эса олдиндан башорат қилиш мумкин. Шундай мавзулар борки, уларни дунё бўйича тахминан ўн нафаргина мутахассис таржима қилиши мумкин. Штатида бир кишигина бўлган идора (у ҳам директор, ҳам ҳисобчи, ҳам менежер) юридик, тиббиётга оид, техник, иқтисодий, реклама ва ҳар қандай бошқа мавзуларга доир матнларни профессионал даражада таржима қилиб беришга тайёр эканлиги кишини ҳайратга солади. Уни қандайдир оркестр-одамдай тасаввур этиш керак.

Айрим таржима агентликлари ўз сайтлари⁷ ва реклама эълонларида бир кунда 200-300 саҳифа матнни таржима қила олишларини тўла ишонч билан ёзадилар. Юқорида баён қилинган «имкониятлари»ни ҳисобга олсак лазерли оптика ҳақидаги бутун бошли илмий ишни, айтайлик рус тилидан ҳинди тилига ўгириш улар учун мушкул иш эмас. Бундай таржиманинг сифати ҳақида ўйлаб кўринг. Аксарият ҳолларда атиги биттагина атаманинг аниқ маъноси ва эквивалентлигини аниқлаш учун таржимон бир неча соат, баъзан бир неча кун сарфлаши, маълумот берувчи адабиётларнинг катта уюмини варақлаб чиқиши, илмий-техник консультантлар билан алоқа боғлаши керак бўлади. Зикр этилган «имкониятлар»ни таржима соҳасидан беҳабар одамлар, шу жумладан буюртмачилар ўқиб ҳайратланадилар, профессионал таржимон эса истеҳзоли кулиб қўяди.

Техник адабиёт таржимонлари кўпроқ ўз маълумотларига доир соҳага ихтисослашадилар. Яъни, чет тилини билган юристлар юридик матнларни, физиклар эса физикага оид матнларни таржима қиладилар. Айни пайтда кўпчилик «Киши яхши таржимон бўлиши учун ўз ихтисослигининг моҳир мутахассиси бўлиши кифоя», - деб фикр юритади. Бундай хулосанинг

⁷ Сайт – (инглиз. site – жой, ўрин), Интернет тармоғида ушбу атама ўзаро боғланган гиперматнли ҳужжатлардан (кичик саҳифалардан) ташкил топган ягона информацион тузилишни англатади. Энг йирик сайтлар ахборот порталларининг муайян тоифасига бирлашади, порталларда эса бундай сайтлар турларга таснифланади (мисол учун, лингвистик сайтлар, кидирув сайтлари ва ҳ. к.)

мантикий асосга эга эмаслигини қуйидаги латифа диалогда кўриш мумкин:

- Доктор! Операциядан кейин скрипка чала оламанми?

- Чаласиз, албатта чала оласиз.

- Ие, қизиқ бўлди-ку ... шу кунга қадар скрипкани қўлимга олмаган эдим.

Таржима билан профессионал шуғулланмаган, ўз ихтисослигининг моҳир мутахассиси бўлмиш шахс, унга зарур бўлган ҳар қандай фурсатда матнни (нутқни) таржима қилиши, скрипкани қўлига биринчи мартаба олаётган “ҳофиз”нинг мусиқа чалишидай гапдир.

Ҳақиқатан, киши она тилида ўз фикрини аниқ баён эта олмас экан, бировнинг фикрини инчунин баён эта олмайди, ҳамма гап шунда! Фикримча, техник адабиёт таржимаси учта аркондан, яъни: чет тилини билиш, она тилини яхши тасарруф этиш ва соҳани пухта ўзлаштириб олишдан иборатдир. Биринчи арконнинг заифлиги камроқ зиён етказиши мумкин. Киши мутахассис бўлмай туриб, ўз ақлининг расолиги ва грамматикани яхши билиши эвазига ўзи учун янги саналган мавзу матнини фаҳмлаб олса ҳам, зарур атамалардан беҳабар бўлса, мавзуда битилган фикрни мутахассис-ўқувчига етказа олмайди. Бунинг оқибати эса жуда ҳазиндир.

Агар таржимон мавзунини тўғри тушунса-ю, фикрини пойма-пой баён этса, у бажарган таржима матнини худди нотўғри атамалар қўлланилиб битилган мавзу каби тушуниш кийин кечади.

Шу билан бир вақтда, соҳани пухта билиш эвазига чет тили борасидаги муаммолар ҳал этилиши мумкин. Айтайлик, киши чет тилида муайян бир олд кўмакчи ёки сифат тугалланмасининг қўлланишига оид нозик тафсилотларни билмайди, бироқ чет тилида тавсифлаб берилган объектлар ўзаро қай тарзда жойлаштирилишини ва улар ўзбек тилида қандай атамалар қўлланилиб тавсифланишини аниқ билади. Мисол учун, худди шундай қобилиятга эга яхши математик инглиз тилини билмай туриб, бутун бошли монографияни таржима қилиши мумкин. Чунки у, рисолада баён этилган барча теоремалар ва уларнинг исботларидан яхши хабардор бўлиб, таржимасиз ҳам тушунарли бўлган формулалар асосида рисола мазмунини ўзбек тилида баён эта олади. Тўғри, бундай киши ёзган рисоланинг бадиий услуби ва муқаддимасини ўқиш кийин кечиши мумкин, албатта.

Муайян соҳада кўп йиллар ишлаб келган мутахассис ўз ихтисослигининг ўзига хос хусусиятлари ва унда қўлланиладиган атамаларни яхши билиши шубҳасиз, албатта. Бироқ, бугунги ёзма таржима соҳасида, ҳатто энг тор ихтисосликка оид матнларни юқори сифат билан таржима қилиш имкониятини берувчи – буюртмачи билан таржимон ўртасида ҳамкорлик технологиялари шаклланган. Техник адабиётларни таржима қилиш иши таржимондан махсус адабиётларни ва буюртмачи томонидан ҳавола этиладиган маълумотнома мазмунидаги материалларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш, Интернет тармоғида соатлаб қидирув

амалларини бажариш, глоссарийлар тузиш, мунозарали саволларга аниқликлар киритиб боришни талаб қилади. Таржимон техник маълумотга эга, кенг савияли, соҳага доир тажрибаси бой бўлсагина матнни юқори сифат билан таржима қилиши мумкин.

4. Тил, луғат ва тафаккур.

Маданий тафовутлар ва таржима муаммолари

«Тил билмай туриб ҳам фойдаланса бўладиган «электрон таржимонлар» бор-ку, таржимонлар нимага керак», - деб мулоҳаза юритади айримлар. Муаммо шундаки, тилшунослар ва илғор технология мутахассисларининг кўп йиллар давомида биргаликда иш олиб боришларига қарамай, бугунги кунга қадар матнни малакали таржимон даражасида таржима қилиб бера оладиган дастур яратишга эришилганича йўқ. Тилга боғлиқ ишлар муайян луғатни ва қатъий белгиланган лингвистик конструкцияларни⁸ қўллаш билан чекланиб қолмайди. Тил статик (турғун ҳолатда) бўлмайди, шундай экан уни охиригача математик таҳлил қилишнинг ҳам иложи йўқ. Шу боис токи олимлар инсон заковатига бас келадиган сунъий интеллект ихтиро қилмас эканлар, шубҳа йўқ-ки таржимонлар керак бўлади.

Электрон луғат чет тилида битилган муайян матнларни бошқа бир чет тилига маълум даражада адекват таржима қилиб бериш қобилиятига эга (ўзбек тили билан боғлиқ бундай дастурларга танқидий кўз билан қараганим боис бу борадаги уринишларни ҳозирча беҳуда деб биламан). Бу биринчи навбатда турғун лексик оборотлар кўп қўлланиладиган ҳужжатларга тааллуқлидир. Афсуски, шундай ҳолатда ҳам хатолардан холи қолиб бўлмайди. Бундай таржима гап нима тўғрисида бораётганлигини англаб олиш учунгина етарли бўлади, бироқ муҳим муносабат ўрнатиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этадиган тафсилотлар аниқ чиқмайди. Эркин услубда битилган ҳужжатлар, айниқса бадий асарларга келсак электрон таржимонлар ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайди. Бир қадар мураккаброқ жумлани таржима қилиб кўриб бунга ишонч ҳосил қилса бўлади. Мазмуни сақланиб қолган тақдирда ҳам услубий жиҳатдан матн жуда кўпол, ножўя ва ҳаттоки ғайриоддий бўлиб чиқади.

Машинавий таржиманинг мутахассислар бартараф эта олмайдиган яна бир жиҳати борки, у ҳам бўлса – ҳар бир сўзимизда мавжуд ҳис-туйғудир. Машинавий воситалардан фойдаланганда сўзма-сўз таржимага эришилади, бунда сўзнинг кўчма маънода қўлланилганлиги, кишининг бошқа одамлар билан мулоқотида шаклланган маълумотларига асосланган ҳолда унинг мияси автоматик равишда ажратиб оладиган иккинчи ва учинчи маънолари инобатга олинмайди. Компьютер эса бундай қобилиятга эга эмас, эҳтимолий вариантлар сони чексиз кўп бўлишлиги боис бундай қобилиятнинг моделини ҳам яратиш бўлмайди. Натижада

⁸ Конструкция – гап тузилиши

кўплаб хатолар келиб чиқади, матн мазмунининг бузилиши рўй беради, иш шу даражага бориб етадики мазмун тамомийла тескари таржима қилиниб, ҳаттоки кулгили жумлалар ҳосил бўлади. Мисол келтираман: инглиз тилидан «Spirit is strong but flesh is weak» жумласи рус тилига таржима қилинганида «Дух крепок, а плоть слаба» («Рух мустаҳкам-у, тана заиф») жумласи ўрнига «Спирт крепкий, а мясо протухло» («Спирт ўткир-у, гўшт ҳидланган») жумласи ҳосил бўлади.

Шахсан мен кўп сонли хатолардан холи бўлиш ва аслият мазмунини имкон қадар аниқ етказиш мақсадида ҳатто хомаки қўлэзма тайёрлаш учун ҳам бундай луғатлардан фойдаланмайман. Таржима жараёнида нафақат чет тилини билишга, балки она тилимиз меъёрлари ва соғлом ақлга таяниш, нафақат аниқ, балки тўғри ҳамда равон ўқиладиган (эшитилладиган) таржима яратишга интилиш керак деб ўйлайман.

Кўпчилик «Яхши таржима қилиш учун асосан чет тилида кўп сўз билиш (ёки бир талай луғатларга эга бўлиш) керак», - деб ўйлайди. Афсуски бу камлик қилади. Тажрибали таржимонларнинг сўз бойлиги чиндан ҳам катта, бироқ сўз бойлиги ўз ўзидан таржиманинг сифатли бўлишини кафолатламайди. Мушкуллик шундан иборатки, турли тилларга мансуб сўзлар ўртасида бир маъноли ўзаро мувофиқлик бўлмайди. Муайян миллат тилига мансуб бўлиб, бошқа тилга доимо бир хил ўгириладиган сўзлар камдан-кам учрайди ва контекстга асосланган ҳолда, одатда, унинг таржимасига оид бир нечта вариантлардан бирини танлашга тўғри келади.

Мисол тариқасида «разбить» сўзини олайлик. Рус тилидан оз бўлса ҳам хабардор одам ушбу сўз маъноларидан бири «синдирмоқ», «чилпарчин қилмоқ», кўпчилик «яксон қилмоқ», «енгмоқ» маъноларини, баъзилар «ажратмоқ» эканлигини ҳам билади. Ваҳоланки ҳамма ҳам ушбу сўз санаб ўтилган маъноларнинг тамоман аксини, яъни «барпо этмоқ», «қурмоқ», «тикламоқ» деган маъно англатишини билладими? Агар бу сўз ҳарбий мазмундаги матнда қўлланилган бўлиб, таржима варианты нотўғри танланса оқибати нима билан якун топишини фаҳмлаш қийин бўлмаса керак.

Луғатларга ёки сўз бойлигига эга бўлиш, муайян сўз маъносини билиш жуда зарур албатта, ammo матн мазмунини англаб етиш учун етарли эмас. Бир хил ёзиладиган сўзлар бир-биридан кескин фарқ қилувчи маъно англатиши мумкин. Биз осон тушуниб етадиган «Зокир Шокирнинг орқасидан қувлаб ўтирмасдан тўғри отасиникига қараб йўл олди» ва «Зокир Шокирни орқасида ўтирмасдан отасининг тўғрисида жойлашиб олди» жумлалар мазмунидаги фарқни пайқаш хорижлик учун осон кечади деб ўйламанг. Баъзан эса ҳаттоки айнан ўхшаш жумла ёки иборалар ҳам, контекстга боғлиқ ҳолда, мутлақо турлича таржима қилинади. Мисол учун, «возьми его себе» иборасини олайлик. Муайян ҳолатда ушбу ибора «мен уни сенга совға қилмоқдаман» маъносини англатса, бошқа бир контекстда «менга ҳеч нарсанг керак эмас» маъносида таржима қилинади. Бундай ҳолатларни камдан-кам учрайдиган тилга оид ҳолатлар деб фикр юритиш мумкин эмас. Сўз ва ибораларга доир маънодошлик муаммоси таржимон

олдидаги, у ёки бу даражада намоён бўладиган доимий муаммодир. Сўз таржимасининг луғатда бериладиган эквивалентларидан бирининг танланиши таржимоннинг соғлом фикри, ақл-заковати ҳамда сўзнинг матн мазмунида тутган ўрнини тўғри англаб етишига боғлиқ.

Агар таржимон атама таржимасининг луғатда берилаётган вариантлари орасидаги маъновий фарқни билмас экан тўғри вариантни қандай танлайди? Мисол учун С. И. Ожеговнинг Изоҳли луғатида «голова» сўзига олтита изоҳ берилган:

1. Одам ёки ҳайвон танасининг бир қисми.
2. Ақл, идрок, фаросат (Он человек с головой).
3. Инсоннинг ғоя соҳиби сифатида гавдаланиши (Он голова!).
4. Муайян нарсанинг олд қисми (голова колонны, поезда).
5. Чорва ҳисобини юритиш бирлиги (стадо в 100 голов).
6. Шар ёки конус шаклидаги озиқ-овқат маҳсулоти (голова сыра, сахара).

Айтайлик таржимон А ва В атамаларининг маъноларини билади, бироқ бу, таржимон томонидан атамалар АВ кўринишда бириктириб ёзилган (айтилган) жумла мазмуни А+В уйғунлигининг мазмунини англатади деб даво қилишга асос бўла олмайди. Гоҳо шунақаси ҳам бўладики, ушбу атамалар бирикмаси, ҳар бири алоҳида ёки ўзаро бириккан тарзда англатадиган маънога умуман тўғри келмайдиган бошқа бир (С) маънони касб этади.

Иш давомида юзага келадиган вазият бундан ҳам мушкул, яъни: таржима қилиш керак бўлган атама луғатларда минбаъд бўлмаслиги, қандайдир услубий қўлланмалар қидириш, Интернетни титиб чиқиш ва экспертлар⁹ консультациясини олиш зарур бўлиши мумкин. Кўпинча ўзбек тилида муайян бир соҳага оид атамалар мажмуи бўлмаган ёки ҳали талаб даражасида шаклланмаган ҳолат ҳам учраб туради. Бир сўз билан айтганда ўзбек тилида атама йўқ ва бирор-бир нарса ўйлаб топиш, ихтиро қилиш даркор бўлган вазият юзага келади. Муайян компанияда фаолият юритадиган, айтайлик ўзига хос техника билан ишлайдиган одамлар ўз жаргонларини тузиб оладилар, яъни мисол учун бирор-бир хорижий сўзни оладилар-да ўзбекчасига талаффуз этадилар. Таржимон томонидан таклиф қилинган вариант уларнинг «кашфиётига» мос келмаса ажабланадилар: «Бу қанақаси бўлди? Биз бу нарсани «фалон» деб атасак-у, у «фалон нарса» деса». Бундай англамаслик келиб чиқмаслиги учун матнни таржима қилишга буюртма берган буюртмачидан қуйидагилар сўраб олинади:

а) таржима намуналари – ўхшаш мавзуга доир олдин таржима қилинган бирор-бир матн ёхуд керакли атамалар қўлланилган бошқа ўхшаш матнлар. Агар буюртмачида бундай матнлар бўлмаса, Интернетда қидирилади;

⁹ Эксперт – экспертиза, текшириш ўтказадиган мутахассис

б) корпорацияга¹⁰ қарашли глоссарий¹¹ (агар буюртмачининг ўз таржималар бўлими ёки штатида лоақал битта таржимон бўлса) ёхуд ТМ (translation memory) – агар таржима ишлари илгари таржима қилинган матнлар жамғармасининг махсус тизимлари қўлланилган тарзда амалга оширилган бўлса (бу алоҳида мавзу);

в) муҳандислар ва бошқа мутахассислар билан консультация қилиш имконияти – улар чет тилидан умуман беҳабар бўлишлари ҳам мумкин, бироқ энг муҳими улар муайян атама ўзбек тилида қандай айтилишини биладилар. Мисол учун, таржимон қуйидагича савол бериши мумкин: «Мана бу ерда самолёт қанотининг шундай қисми тўғрисида гап бормоқдаки, агар уни сўзма-сўз таржима қилсак «охирги тараф» (trailing edge) деган маъно англатади, нима дейсиз?». Авиация мутахассиси шу заҳоти (айниқса расмга қараса): «Ўзбекчасига бу «қанотнинг ортки қирраси» деб айтилади» дейди.

Шунга эътибор қаратиш керакки, техник адабиётларни таржима қилиш жараёнида расм, чизма ва бошқа кўмакчи материаллар хизмати бебаҳодир. Бундай таржимада чизмаларни ўқий билиш қобилияти хорижий фразеологияларнинг икир-чикирларини билишдан ёки классиклар асарларини ёддан цитата келтириш қобилиятидан афзалдир. Кўпчилик онгида таржима қилиш учун тилшунослик университетларини тамомлаш шарт деган янглиш тасаввур шаклланган. Бундай маълумотнинг фойдаси катта, албатта. Бироқ, техник матнларни таржима қилувчи профессионал таржимонларнинг аксарияти олий илмий-техник маълумотга эга. Келгуси фаолиятларида тилга қизиқишлари уларни тилшуносликка оид иккинчи маълумот олишга етаклаган. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб техник адабиёт таржимонлари учун ўз соҳасига оид маълумотлари етарли бўлиб, ихтисослик бўйича тўплаган тажрибалари таржима соҳасида муваффақият қозонишларига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам, одатда, энг моҳир техник адабиёт таржимонлари тил мутахассислари орасидан эмас, балки техник маълумотга эга мутахассислар орасидан етишиб чиқади.

Етарлича йирик лойиҳа устида олиб борилаётган таржима ишлари ҳамда буюртмачи корхонасида ишлаётган мутахассислар ва мустақил экспертлар билан консультациялар жараёнида лойиҳанинг ўз луғати шаклланади ва аксарият ҳолларда ушбу глоссарий буюртмачига топширилиб, унинг таржимонлари томонидан келгусида қўлланилади. Баъзи ҳолларда эса ёлланган таржима агентлигининг ишламалари сақланади ва зарур бўлганда ТМ (translation memory) шаклида ҳавола этилади.

Сўз маъносининг мувофиқ ёки номувофиқ танланиши ҳаётда қанчалик муҳим роль ўйнашини қуйида келтирилган мисолларда кўриш мумкин.

Финляндиянинг Ослодаги элчиси Норвегия журналистларига ғайриоддий илтимос билан мурожаат қилди. У қалам ва микрофон усталаридан «овга» чиққан норвег ўғрилар бошларига кийиб, юзларини

¹⁰ Корпорация - уюшма, бирлашма, доира, ахллар

¹¹ Глоссарий – соҳага доир луғат

яшириб олишга одатланган, кўзлар учун тешик очилган бош кийимини бошқача аташни сўради. Гап шунда-ки, 1939 йилда бўлиб ўтган уруш давридан бошлаб ушбу кийим «финча капюшон» деб аталади. Негаки ўша йилнинг жуда аёзли қиш ойларида раҳмдил норвег аёллар фин аскарларига айна шундай бичимли бош кийим тўқиб беришган. Элчи хижолат тортиб табассум қилганча, ўз илтимосини: «Норвегияда содир бўлган ҳар бир ўғрилиқда финлар эсга олинишини истамаймиз», - деб шарҳлаб ўтди.

Совет ҳукумати даврида Украинанинг Закарпатье вилоятидаги шаҳарча тепаликларидан бирининг чўққисига Россия – Украина дўстлигига атаб дарахт экилган. Бахтга қарши уни чақмоқ уриб ёндирган (тепаликлардаги якка дарахтларни чақмоқ ёндириши кўпчиликка маълум). Нобуд бўлган дарахтнинг танасидан янги новда олиниб, такрор экилган. Бироқ, қайсар чақмоқ яна шу жойга урилиб, кўчатни аянчли аҳволга солиб қўйган. Физика ва ботаника соҳаларига оид хатоликларга шак-шубҳасиз йўл қўйилганлигидан ташқари, ушбу ноқулай вазият тилшунослик жиҳатидан ҳам ўнғайсизлик билан боғлиқдир. Гап шундаки, дўстлик дарахти сифатида липа танланган бўлиб, ўзбек тилида у «жўка» деб аталишидан ташқари, рус тилида ушбу сўзнинг «сохта» деган маъноси ҳам бор.

Кези келганда ҳаммамиз ҳам гапни обдон ўйлаб, ўринли сўз танлаб гапиришга (ёки ёзишга) мажбур бўламиз. Таржимонлар эса бу иш билан кун сайин, эрта тонгдан кечгача машғул бўладилар. Сўзларни тўғри танлаш таржимонлик касбининг асосий мазмунидир. Дунё классикларининг асарларини болалиқдан она тилимизда ўқиб келар эканмиз, асар қаҳрамонлари аслида қайси тилда мулоқот қилишганларини гоҳо хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, таржимон вазифасининг кўлами сўзлар эквивалентини тўғри танлашдан ҳам кенгроқ эканлигига амин бўламиз. Бадиий адабиёт борасида шу нарса аёнки сўзма-сўз қилинган таржима асар муаллифининг ғояси аксарият ҳолларда нотўғри талқин қилинишига олиб келади. Мисол учун, рус тилида битилган ишқий роман таржима қилинаётганида «эркак борлиғи ҳақидаги фикр аёлнинг бутун вужудини тўлқинлантириб юборди» жумласи асл манбада ёзилгани каби («всей своей плотью она ощутила пронзившее ее мужское естество») айнан ёзиладиган бўлса, бундай луғавий таржима тиббий-табиий лавҳалардан лаззатланишга тайёр бўлмаган романтик ўқувчи-аёлларимиз ихлосини қайтариши мумкин.

Худди шундай вазият техник матнлар таржимасида ҳам юзага келади. Айримлар «Телевизор Африкада ҳам телевизордай ишлайди, шундай экан телевизорни (ёки ҳар қандай бошқа ускунани) ишлатиш йўриқномаси имкон қадар сўзма-сўз таржима қилиниши керак», - деб фикр юритадилар. Бироқ, масала бу қадар содда эмасда. Гап шундаки турли мамлакатларда ахборотни тақдим этишнинг ўз стандартлари қабул қилинган бўлиб, ушбу стандартларнинг четлаб ўтилиши башорат қилинмаган оқибатларга олиб

келиши мумкин.

Мисол учун, сонлар ва ўлчов бирликларининг ифодаланиши кўп ҳолларда англашилмовчилик манбаси саналади. Агар америкаликка ёзган мактубингизда учрашувни 05.04. га тайинласангиз у билан ўша куни учраша олмайсиз. Негаки, рус стандартига мувофиқ ёзилган ушбу сана бизлар учун ҳам апрель ойини англатиши мумкин бўлса, америкалик учун май ойини англатади. Нархи \$2,500, рақамлари билан кўрсатилган буюмнинг нархини зинҳор икки ярим доллар деб ўйламанг. Милиция ходимлари томонидан айрим хорижий автомобиль соҳибларига тез-тез жарима солиниб турилади. Негаки йўлларимизга ўрнатилган чекловчи белгилар тезликни соатига километр сони билан кўрсатса, бундай машиналарга ўрнатилган спидометрлар тезликни соатига миля сони билан ифодалайди. Агар Америка миляси бўлса у қадар хавфли эмас (бир миля 1,6 км дан сал кўпроқ), Дания миляси бўлса-чи (бир миля етти ярим километрга тенг) ёки ундан ҳам даҳшатлиси Швеция миляси бўлса (бир миля ўн километрга тенг) нима бўлади?

Хорижий автомобиль ҳайдовчиларининг жарима тўлаб кўрган зарарларини НАСА томонидан худди шундай англашилмовчилик туфайли кўрилган моддий зарар билан солиштириб бўлмайди, албатта. Халқаро ҳамкорлик талаб даражасида йўлга солинмаганлиги сабабли Марсга уюштирилган парвозлардан бири муваффақиятсиз якунланди. Ушбу парвоз учун мўлжалланган жиҳозлар метрик ўлчовлар тизими қўлланиладиган Европада тайёрланган бўлса, парвознинг дастурий таъминоти Америкада ишлаб чиқилган бўлиб, у ерда фақат фут қўлланилади. Борт жиҳозлари маълумотларни метрларда кўрсатганига қарамай, Марсга яқинлашаётган космик кема масофани футда ўлчаб, ўз курсини ўзгартириб юборди. Бунинг хотимасини эса тасаввур этишингиз қийин кечмайди!

Бироқ гап, сонларни ифодалашдаги тафовутдагина эмас. Материални баён этиш услуби, тарзи ва шакли ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Америка пресс-релизларини таржима қилишда сифатларнинг тенг ярмини четлаб ўтиш, матндаги завқ даражасини бир оз пасайтиришга тўғри келади, акс ҳолда америкалик бўлмаган ўқувчилар пресс-релиздаги ахборотни реклама сифатида қабул қилишлари мумкин. Италиянинг диққатга сазовор кичик жойлари туристлар учун тайёрланадиган маҳаллий маълумотномаларда дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида баён этилади, бу эса айрим бошқа мамлакат вакилларига мақбул бўлмайди. Немислар томонидан фойдаланувчи учун ишлаб чиқилладиган батафсил қўлланмалар болага мурожаат қилингандай тайёрланади. Германиялик бўлмаган фойдаланувчи бундай йўриқномани катта ёшдаги тентаклар учун тайёрланган қўлланма сифатида кўриши, хафа бўлиб ўқимай қўйиши ва аччиқ устида ускуна симининг санчқисини суқиш керак бўлмаган розеткага суқиб, ускунани ишдан чиқариши мумкин.

Бу борада ҳатто махсус қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, ишлаб чиқилладиган ҳар қандай йўриқнома Канадада саккизинчи синф ўқувчиси

учун, АҚШда эса бешинчи синф боласи учун мўлжалланган бўлиши керак. Корхоналаримиз деворларига осиб қўйиладиган «Авария ҳолати юзага келганида корхона ходимларини эвакуация қилиш чизмаси»ни америкалик таржимон сўзма-сўз таржима қилгудек бўлса, ишдан бўшатилиши муқаррар.

Расм ва суратларни олайлик. Буларни таржимага дахли йўқ деб ўйлаш мумкин. Асло ундай эмас! Мисол учун, айрим мамлакатларда тана аъзоларини тасвирлаш ҳақоратомуз саналади. Йўриқномани безаб турган кафт ва кўрсаткич бармоқ тасвирларини, бундай мамлакатларга юбориладиган техник адабиётдан бартараф этишга тўғри келади. Япониянинг Nintendo компанияси мутлақо айбсиз бўла туриб, антифашистлар қаҳрига дучор бўлгани маълум. Япониянинг ички бозорида сотиш учун компания томонидан тайёрланган стол ўйини таркибига қадимдан шарқ маданияти учун муваффақият ва тараққиёт рамзи саналган иероглиф тасвирланган карточка киритилган эди. Фалакнинг гардиши билан ушбу ўйинлардан бири Америкага олиб келинган бўлиб, яхудий ўспирин томонидан харид қилиб олинган. Иероглифни нацистлар нишони сифатида англаган боланинг жаҳли чиқиб, дунёнинг тўс-тўполонини чиқариб юборди. Гарчи Nintendo ушбу ўйинни Америка бозорига расман киритмаган ва нацистлар нишони ушбу иероглифнинг акс тасвири бўлса ҳам компания ҳаммадан узр сўрашни ва машъум карточкани ўйин тўплами таркибидан чиқаришни зарур деб топди. (Тўғриси айтганда, ер шарининг оз қисмини истило қилган фашистлар режимининг атиги ўн беш йили, тинчлик мақсадида ушбу рамз қўлланилиб келинган шарқ маданиятининг юзлаб йилларини ўчириб ташлагани алам қилади).

Умуман олганда, яхши таржимон ўз фаолияти давомида ушбу нюансларнинг¹² барчасини инобатга олиши лозим. Таом тайёрлаш учун маҳсулотлар миқдори фунт ўлчовида, ҳарорат режими эса Фаренгейт шкаласи бўйича берилган бўлса, бундай рецептдан¹³ фойдаланиб бўладими? Аслида бундай матнни таржима деб айтса бўладими? Ўз-ўзидан маълумки ҳамма гап бериладиган таърифга боғлиқ. Шу боис, амалиётга, таржима тушунчаси ўрнига янада кенгроқ мазмун касб этган «локализация» (маҳаллий шарт-шароитларга мос келтириш) тушунчаси кириб келмоқда. Аксарият ҳолларда ушбу тушунча компьютер дастурларига нисбатан қўлланилади. Ҳақиқатан ҳам бу соҳада, сўзларни бир тилдан бошқа тилга ўгиришдан ташқари, қўшимча муайян ўзгартиришлар киритиш зарурлиги кўзга ташланади. Оддий мисол: тилларнинг грамматик хусусиятларига кўра рус тилидаги сўзлар узунлиги (матн ҳажми) инглиз тилидаги сўзларга нисбатан, ўзбек тилидаги сўзлар узунлиги эса рус тилидаги сўзларга нисбатан узунроқ (15-20% га каттароқ) бўлади. Шунинг учун инглиз (рус) тилида тайёрланган дастур локализация қилинаётганида (тегишинча Россия ёки Ўзбекистон шарт-шароитларига мослаштирилади) авваламбор тегишли сўзлар ёзиладиган

¹² Нюанс – сезилар-сезилмас фарқлар

¹³ Рецепт – таом тайёрлаш усули

майдонларни катталаштириш ёки шрифтни кичрайтиришга тўғри келади. Дастур-кундаликни локализация қилиш жараёнида эса соат ва телефон рақамларини ёзиш учун мўлжалланган шаблонларни ўзгартириш керак бўлади (яъни 1:45 р.т. ўрнига 13:45 ва 123-4567 ўрнига 123-45-67). Акс ҳолда бундай дастур рус ёки ўзбек фойдаланувчига ноқулай бўлади. Шундан сўнг инглиз тилида қўлланиладиган сон-саноксиз «марҳамат қилиб»ларни олиб ташлаш керак бўлади. Инглиз тилига таржима қилсангиз «please»ни албатта қўшиб ёзинг, акс ҳолда мурожаатингиз жуда қўпол чиқади.

Локализация фақат компьютер дастурларини таржима қилишда эмас, балки янада кенг маънода қўлланилади (бу ҳақда тўхталиб ўтмадим).

Маданий тафовутлар туфайли муайян шахс табиатига берилаётган айнан бир хил тавсиф муайян тил соҳиблари томонидан ижобий идрок қилинса, бошқа тил соҳиблари томонидан салбий қабул қилинади. Шундай экан, асар сўзма-сўз таржима қилинса, баъзан, муаллифнинг ўз қаҳрамонига бўлган муносабатини бузиб кўрсатиб қўйиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса шуни айтишим керакки, мисол учун, рус забон киши муайян фикр юритиб, сўз ёки жумла айтиб (ёзиб, ўқиб) қандай тасаввурга эга бўлса, ушбу фикр, сўз ёки жумланинг ўзбек тилига таржимаси – ўзбек тилида фикр юритувчи шахснинг ҳам худди шундай тасаввурга эга бўлишига олиб келиши шартдир. Бунда сўзни эмас, балки унинг маъносини таржима қилиш керак. Бу борада илоҳиёт намояндаси, Библия таржимони Иероним айтган экан: «Таржимада мен сўзни сўзга эмас, ғояни ғояга олиб ўтаман».

Умуман маданий тафовутлар бадиий адабиёт таржимони олдига ҳал этиш мушкул кечадиган муаммолар қўяди. Расмий меъёр, одат ва удумлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсак ҳам (айтайлик эркак киши черковга кираётганида бош кийимини, мачитга кираётганида эса оёқ кийимини ечиб киришини ҳаммамиз биламиз), ҳис-туйғу ва ахлоқ-одоб борасидаги тафовутлар ҳақида кўп ҳолларда мулоҳаза ҳам юритмаймиз. Табиатан вазмин саналадиган инглизларнинг ҳаддан ташқари жаҳлини чиқарадиган сўзлар туйғуси туғён урадиган итальянлар учун дўстона тавсифдай кўриниши мумкин. Рус аёлини қувонтирадиган бежамадор хушомад америкалик аёлнинг иззат-нафсига тегиши, Саудия Арабистонида эса аёл кишига бундай сўзларни айтган киши қамоққа олиниши мумкин. Валерий Афонченконинг: «Бир мамлакат тилини бошқа мамлакат тилига аниқ таржима қилиш, уларнинг валюталарини конвертация қилишдек мушкул кечади», - деб айтган сўзлари беихтиёр ёдга тушади.

Сўкиш ва ҳақоратларни сўзма-сўз таржима қилиш ҳам беҳуда ишдир. Бунда, сўкаётган кишининг ҳис-туйғусини тушуниб етиш ва бошқа тилда қўлланиладиган ўхшаш ифодани топа билиш муҳим.

Пировардида айтиш мумкинки, таржимон учун энг муҳими – икки маданият туташган жойдаги ҳаётдир. Ўз фаолияти давомида турли маданиятларнинг ўзига хос жиҳатлари билан муттасил тўқнаш келар экан, таржимон, ушбу маданиятлардаги тафовутларни аниқ тасаввур этиши, бир

маданият вакилларида олинган ахборотни бошқа маданият соҳибларига максимал аниқ етказа олиши шарт. Таржимон касбининг ўзига хос хусусияти ҳам айна шундан иборатдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қабул қилинган қоидаларга кўра ҳар бир тилга тегишли тил соҳиби таржима қилиши лозим. Яъни хитой тилига – хитой таржимони, француз тилига француз таржимон таржима қилади.

Бу қоидаларни ўйлаб топган киши жиддий асосга эга бўлган. Гап шундаки, чет тилидан она тилига таржима қилиш билан она тилидан чет тилига таржима қилиш ўртасида жуда катта фарқ бор. Чет тилига ўгириш мобайнида чет тилида ўйлашга тўғри келади. Чет тилига таржима қилиш она тилига ўгиришга нисбатан қийин кечилишининг сабаблари қуйида санаб ўтилган:

а) чет тилига таржима қилаётган таржимон фақат ўзи биладиган сўзларнинг актив захирасидан, она тилига таржима қилаётганида эса бундан ташқари пассив тил бойлигидан (яъни, ўзи қўлламас ва бегона нутқда таниб, тушуниб оладиган сўзлардан) фойдалана олади. Ҳар қандай кишида актив сўз бойлиги пассив сўз бойлигига нисбатан камроқ бўлади. Шунинг учун у тез-тез луғат варақлашга мажбур бўлади;

б) ўзбек тилининг айнан бир грамматик конструкцияси ёки сўзини чет тилининг бир нечта конструкциялар (сўзлар) варианты билан етказиш мумкин. Она тилига таржима қилинаётганида эса зарурий конструкциялар ёки кўпроқ тўғри келадиган маънодош сўзлар танлови ўзбек таржимони онгида автоматик равишда рўй беради. Таржиманинг яна шундай жиҳати борки, у ҳам бўлса чет тилига таржима қилаётганда маънодошлар ўртасидаги нозик тафовутларни, у ёки бу оборотлар қўлланилишининг чегараларини аниқ билиш шарт. Бунга эса муттасил эришилмайди;

в) аксарият таржимонлар латин имлосида ёзишга қийналадилар (айниқса французларникига ўхшаш модификация қилинган имло бўлса).

Натижада чет тилига таржима нисбатан суст кечади. Бундан ташқари чет тилига 100% адекват таржимани баъзан фақат тил соҳибига бажара олади холос. Ёхуд, идеал¹⁴ ҳолатни оладиган бўлсак, таржимон кўп йиллар тил соҳиблари билан муттасил ишлаган, тегишли мамлакатда (тил муҳитида) яшаб келган, ўша тилда ўйлайдиган, туш кўрадиган бўлиши лозим, шундагина унинг таржимаси тўла-тўқис адекват деб эътироф этилиши мумкин.

Эҳтимол техник адабиёт таржимасига бу фикрлар нисбатан камроқ дахл қилар, бироқ реклама ва юридик матнларни чет тилига адекват таржима қилиш қийин кечилиши муқаррар. Табиийки, юқорида зикр этилган барча мулоҳазалар ўзбек тилига таржима қилаётган хорижлик таржимонларга ҳам тааллуқлидир. Негаки, уларнинг таржимаси грамматик ва лексик жиҳатдан гўё тўғри кўрингани билан матн тили қандайдир жонсиз, «бегонадай» туйилади. Хорижлик киши таржима қилганлиги

¹⁴ Идеал – мукамал ҳолат маъносида

дарҳол кўзга ташланади. Демак, ҳатто ёзма матн ҳам «акцент¹⁵» билан ёзилиши мумкин экан. Австриялик адиба Мария Эбнер-Эшенбахнинг: «Миллат тилининг жонли руҳи таржима қилиб бўлмайдиган сўзларида яққол ифодаланади», - деб айтган сўзлари ёки немис классик филологи Ульрих Виламовиц-Меллендорфнинг: «Тилдан тилга эмас, услубдан услубга ўгирилган таржималар бўлади» таъбири юқоридаги фикрларга исботдир.

Хўш, тегишли тил соҳиби бўлмиш таржимон йўқ, материални эса таржима қилиш керак ва у мижозларни қочирини эмас, аксинча чорлаши даркор бўлса-чи, унда нима қилиш керак деган савол туғилиши табиий. Вазиятдан чиқишнинг ягона тўғри йўли – таржима қилинган матн тегишли тил соҳиби томонидан таҳрир қилинишидир. Фаҳмлаган бўлсангиз ушбу таҳрирчига ўзбек тилини билиш шарт эмас. Натижада матнни ўқиган ҳар қандай хорижлик уни бегона тилдан таржима қилинган деган хулосага бормайди. Агар бунинг ҳам иложи бўлмаса ўзбек таржимонининг билим ва маҳоратини синчковлик билан текшириш зарур. Бундай текширувларнинг эътироф этилган йўллари кўп (бу алоҳида мавзу).

Муҳтарам буюртмачи, шуни билинки аксарият таржимонлар фақат она тилига таржима қилишни афзал кўрадилар.

Маълумки, кўп касблар инсон табиатида муайян из қолдиради. Архив¹⁶ ходими пала-партиш ишлашини ёки ҳайдовчининг ҳаракатлари сушт кечишини тасаввур этиш қийин. Бунда, биринчи касб эгасини эътиборсизлиги учун ишдан бўшатилиш хавфи кутаётган бўлса, иккинчисини ҳаракат давомида янада жиддийроқ хавф таъқиб қилиб боради. Шу боис, эҳтимол, муайян касбнинг инсон табиатида қолдирадиган из ҳақида эмас, балки у ёки бу фаолият билан қандай табиатли кишилар машғул бўлиши лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритиш тўғрироқ бўлади. Яъни, ўзига хос табиий танланиш жараёни рўй беради, айрим ҳолларда эса бу сўзлар аслига мувофиқ мазмун касб этади.

Юқори зийраклик – таржимонлар учун, улар табиатига хос бўлиши лозим бўлган умумий фазилатдир. Негаки, муайян тилга мансуб сўз, тушунча ва ибораларнинг бошқа тилдаги эквивалентини танлаш билан профессионал шуғулланиб, ушбу фаолиятни касб деб билган бундай одамлар айнан бир хил ҳодисага турлича ёндашиш мумкинлигини ғайриихтиёрий равишда ҳис қиладилар.

Оддий одамлар ўйлаб ўтирмайдиган турли халқлар маданиятига мансуб ўхшашлик ва тафовутлар таржимонлар учун кундалик ташвиш манбаси саналади. Фаолиятларига кўра уларга доимо дам ўхшаш сўзларни турлича, дам эса аксинча, турли ибораларни айнан бир хил эквивалент билан таржима қилишга тўғри келади.

Таржимонлар бошқа касб эгаларига нисбатан сабр-тоқатли, мураса

¹⁵ Акцент – ўз она тилидан бошқа тилда сўзловчининг талаффузида сезилиб турадиган бошқачалик

¹⁶ Архив – (лат. archivum, грек. archeion – хизмат жойи, идора, муассаса маъноларини англатади), 1. Ўтмишга тааллуқли ҳужжатларни сақлаш, тизимга солиш ва ўрганиш билан шуғулланувчи махсус ташкилот. 2. Муассаса, корхона ва алоҳида шахслар фаолияти натижасида вужудга келган ҳужжатлар мажмуи.

қила биладиган ва ҳушёр одамлар деб эътироф этиладилар. Улар кундан кунга бировнинг нуқтаи назарини тушуниб етишга, унга мослашишга, юзага келган вазиятга бошқа томондан баҳо беришга ҳаракат қиладилар. Агар буларнинг бари таржимон шахсиятида из қолдирмаса таажжуб ҳол бўлар эди.

Интернет тармоғига ўхшаш замонавий технологиялар балиқ ови ишқивозлари, футбол билимдонлари ва қил арра билан арралаш усталарини ёки юксак маҳоратли скрипкачиларни бирлаштириш, яъни қизиқишга кўра халқаро клублар яратиш имконини беради. Бундай клублар телеконференция, форум¹⁷ ёки почта тарқатиш рўйхати деб аталади. Таржимонларда ҳам ўзларининг телеконференциялари мавжуд. Улардан бири «Лантра» – жаҳоннинг турли мамлакатларида фаолият юритаётган мингдан зиёд таржимонларни бирлаштиради. Шу боис ушбу кичик уюшмани турли тахминларни текшириб кўриш учун мўлжалланган ўзига хос полигон сифатида қабул қилиш мумкин.

Умуман олганда «Лантра» таржимонлик соҳасига оид савол бериш ва пухта билимли ҳамкасблардан жавоб олиш учун мўлжалланган бўлиб, унда мулоқот асосан инглиз тилида олиб борилади.

Чанғичилар Интернет тармоғида қандай муаммоларни ҳал этишлари мумкинлиги менга қоронғи-ю, бироқ таржимонлар учун Интернет жуда қудратли иш асбоби саналади. Мисол учун инглиз таржимон Бринцаловнинг «Последняя у попа жинка!» фикрини таржима қилар экан, табиийки рус ҳамкасбларига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шунга ўхшаш вазиятга 10 йил олдин тушиб қолган таржимон нима қилган бўлар эди? Луғатларни титиб чиққан бўлар эдими? Китоб ва электрон луғатларнинг етарлича сонига эга бўлсангиз-да, ушбу мақолни топа олмасангиз нима қиласиз? Телефон орқали танишларингиздан сўраб биласизми? Ўхшаш саволларга жавоб бера оладиган танишларингиз кўпми? Тегишли мутахассис билан сизга зарур бўлган фурсатда (айтайлик тунги соатларда) боғланиш ҳам осон кечмайди. Энг муҳими киши муайян шахсга бундай савол билан мурожаат қилар экан хижолат тортади: одамга малол келмасмикан? Кўрсатган хизматига қандай ва қанча ҳақ тўласам экан?

Конференция – бошқа гап. У кеча-ю кундуз тўхтамай ишлайди. Негаки, япон таржимонлари эндигина уйқуга ётган маҳалда Америкадаги таржимонлар уйғонадилар. Шундай экан, саволни кун ёки туннинг ҳар қандай вақтида, бировни бемаҳалда уйғотишдан хижолат тортмай ўртага ташлаш мумкин. Жавобни ҳам фақат истак билдирган ва уддасидан чиқадиган кишигина баён этади. Айни пайтда саволга жавоб қайтараётганлар орасида тезроқ жавоб бериш ва зўр билимга эга эканлигини кўрсатиш бўйича қизгин баҳс бошланади. Савол берган киши ўзини эксплуататордай¹⁸ ҳис қилмайди, яъни у ўз муаммосини ҳал этиб беришга ҳеч кимни мажбур қилмайди. Ким-ки банд ёки кайфияти хуноб бўлса, юриш навбатини ўтказиб юборади.

¹⁷ Форум – Интернет тармоғидаги оммавий йиғин ёки анжуман

¹⁸ Эксплуататор – кишини ўз хоши-ихтиёрига қарши мажбур қилиб ишлатувчи шахс

Лантрани – луғатлардан, шу жумладан Интернет тармоғида мавжуд луғатлардан ҳам тубдан фарқ қиладиган янги турдаги таржимонлик ресурси сифатида кўрмоқ лозим. Нима учун? Чунки луғат титкилаб ўтирган таржимон лексикографнинг зўравонлиги билан ёлғиз ўзи юзма-юз келади. Агар у мутахассислар консилиуми (Лантра) билан консультациялар олиб борса, луғатга оид билимлари, унинг олдида турган ўхшаш муаммо билан тўқнаш келган ёки уни ҳал этишга шай бўлган маълум кишиларнинг амалий тажрибаси билан кенгайди.

Шу қадар камёб соҳалар ва шунчалик нодир луғатларга дахлдор мавзулар мавжудки, одамлар ресурсидан ташқари ёрдам бера оладиган бирор-бир бошқа ресурсни чиндан ҳам топиб бўлмайди. Юзлаб мутахассислардан иборат компанияда (Лантрада) эса кимдир, айтайлик асаричиликка оид матнни таржима қилган (ёки шахсан ўзи асалари боққан) ва шу боис тегишли атамалардан хабардор бўлиши, яна кимдир кўп томли бебаҳо Оксфорд луғатининг соҳиби бўлиши муқаррар.

Шу тариқа Интернет умуман кутилмаган, масалан: испан ўспиринлари ўз нафратини қай тарзда ифодалайдилар? Канадада нота ёзувининг қайси шакли қўлланилади? Швецияда ишлатиладиган муайян русумга мансуб мухтор хонадон иситиш тизими етти хонали хонадонни неча даражагача иситиши мумкин? деб берилган саволларга тез жавоб олиш имконини беради. Буларнинг бари, китоб воситасида ҳал этилиши қийин кечадиган масалалар ечими, турли мамлакат ва қитъалар ўртасида маданий кўприклар қураётган касб эгалари учун эса ўта зарур ахборотлар топиладиган манба саналади.

Интернет тармоғи профессионал таржимон учун турли-туман имкониятлар яратади.

Таржимон учун Интернет:

электрон луғат, энциклопедия ва глоссарийлар ҳамда маълумотнома мазмунидаги китобларда бериладиган хилма-хил материаллар сақланадиган жой;

зарурий лингвистик ахборотлар олинадиган матнлар корпуси;

таржима қилинаётган матн мавзусига оид маълумотлар манбаи;

таржимонлик ва тилшуносликка оид ихтисослаштирилган манбалар омборидир.

Буюртмачи билан ҳамда ҳамкасблар ўртасида ахборот алмашинувини енгиллаштирувчи ва жадаллаштирувчи электрон почта ва бошқа коммуникация воситалари ҳақиқатан ҳам таржимонни мустақил касб эгасига, таржимонлик хизматини эса – глобал хизматга айлантиради.

5. Ёш таржимонларга маслаҳат ва тавсиялар

Интернет тармоғида мавжуд электрон луғат, энциклопедия, глоссарий ва маълумотномалар, қидирув тизимида ишлаш бўйича умумий тавсиялар, таржима мавзусига боғлиқ қидирув, корпусли лингвистика, ихтисослаштирилган матнлар корпусларининг афзалликлари, техник

тавсиялар, таржимонликка оид ва лингвистик сайтлар каби тушунчалар ҳақида батафсил тўхталмадим, зеро буларнинг бари алоҳида мавзу бўлиб, замонавий профессионал таржимон билиши ва ўз амалиётида қўллаши шарт бўлган нарсалардир.

Аммо, ёш таржимонларимиз учун Интернет тармоғида бажариладиган тилшуносликка оид қидирув амаллари борасида оз бўлса ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдим. Луғатлар ва энциклопедияларнинг турлитуманлигига қарамай Интернетнинг таржимон учун аҳамияти маълумот берувчи манбалар билангина чекланиб қолмайди. Тармоққа жойланган саҳифаларнинг жамики мажмуи ақлга сиғадиган барча мавзуларни қамраб олувчи жуда катта матнлар корпусини ташкил этади. Замонавий қидирув тизимлари эса ушбу корпусни тилшунослик борасидаги изланишлар учун ғоят самарали қўллаш имконини яратади.

Шу ерда қидирув тизимларининг ишлаш тамойиллари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Мулоҳаза юритилаётган ҳар қандай тизим кенг маълумотлар базасини ташкил этиб, унда ялпи Тармоқ бўйича миллионлаб сайтларда жойланган вэб-саҳифалар нусхалари сақланади. Робот-дастур (web crawler) Бутун жаҳон ўргимчак ини ичида гиперматнли манбалар бўйича бир саҳифадан кейинги саҳифага, сайтдан сайтга саёҳат қилиб, зикр этилган базани бойитиб боради. Топилган барча саҳифалар автоматик равишда индексланади¹⁹. Бу эса, ўз навбатида, келгусида зарурий ахборотни бир лаҳзада топиш имконини яратади, яъни: фойдаланувчининг сўроғини қабул қилган робот-дастур энди юз миллионлаб саҳифаларни кўриб чиқмай, алфавитли индексга киритилган муҳим сўзларни топади ва бундай сўзлар қўлланилган саҳифаларга ишора қилади.

Қидирув сайтларининг қўлланилиши турли-туман саволларга жуда тез, баъзан бир неча дақиқа ичида жавоблар топиш имконини ҳамда таржимага доир, илгари тегишли тил соҳибига, у ёки бу мавзу мутахассисига мурожаат қилмай туриб ҳал этишнинг иложи бўлмаган кўп сонли муаммолар ечимини топиш имконини беради. Буларнинг бари таржима сифатини, айниқса иш юзасидан она тилимизда битилган матнларни хорижий тилга таржима қилиш сифатини кескин ошириш имконини яратади. Негаки хорижий атамаларнинг янгиланиб бориши, айниқса компьютер ва телекоммуникация, бизнес ва молия, оммавий ахборот воситалари, халқаро муносабатлар, фармацевтика ва кўплаб бошқа соҳаларда янги атамаларнинг жадал пайдо бўлиши кузатилмоқда. Бундан ташқари ҳатто энг замонавий луғатларга эга ва фақат битта соҳага ихтисослашиб 20 йилдан буён она тилига таржима қилиб келаётган энг тажрибали таржимон ҳам ҳамкор соҳаларда қўлланилаётган, маъно-мазмунини кундуз куни чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган, тушунилиши жуда қийин кечадиган атама ва қисқартмалар, неологизм, профессионаллар сленги кабилар билан мунтазам тўқнаш келиб туриши муқаррар.

¹⁹ Индекс – кўрсаткич, рўйхат

Бундай вазиятда Интернет – таржимон учун тақдир инъомидир. Зеро энди ғилдиракни қайтадан ихтиро этиш, танишлар орасида қиймани сублимация усулида қуритиш усули ёки парашют тизимлари бўйича мутахассис бор-йўқлигини жониқиб эслашга ҳожат қолмайди. Унга фақат Тармоққа кириш, қидирув тизимига зарурий сўзларни киритиш кифоя ва қарабсиз-ки жамики зарурий атамалар таржимоннинг кўз ўнгида намоён бўлади. Бунинг учун энг муҳими – қидирув технологияларини пухта ўзлаштириб олишдир.

Таржимонлик касбини танлаган йигит ва қизларга рус тилидан ўзбек тилига таржима қиладиган ёш таржимон фаолиятини мисол тариқасида келтириб, қуйидаги маслаҳатларни бериб ўтмоқчиман:

1. «Хужжатлар» деб номланган ўз луғатингизни юритинг. Уни қуйидагича номланган бешта устунга бўлиб чиқинг:

- рус тилидаги варианты;
- рус тилида қўлланиладиган қисқартма;
- ўзбек тилидаги варианты;
- ўзбек тилида қўлланиладиган қисқартма;
- изоҳ.

«Изоҳ» устунига тегишли атамага бериладиган изоҳлар, шарҳлари билан биргаликдаги интернет манбаларига ишоралар, таржима вариантини таклиф қилган (ёки талаб қилиб туриб олган) шахснинг исми, лавозими (бу жуда муҳим, негаки атама таржимаси борасида ихтилоф юзага келганида ўз таржимангизни ҳимоя қила оласиз) ва ҳ. к. киритилади. Шунингдек, ушбу устунга тегишли атама қўлланилган хужжатлар, маълумотномалар ва шу каби юридик хужжатларнинг номлари киритилади.

2. «Идора ва муассасаларнинг номлари» деб номланган яна бир луғат юритинг. Бу луғат ҳам юқорида баён этилган шаклда юритилиб, унга муассасалар, ички ва ташқи бозорда иштирок этувчи асосий идоралар, ҳукумат органлари ва шу каби ташкилотларнинг номланишлари киритилади.

3. Юридик соҳанинг муайян йўналишлари бўйича (мисол учун суғурта, аудит ва шу каби ўз фаолиятингизда тез-тез учратиб турадиган йўналишлар бўйича) ҳам худди шу шаклда алоҳида луғатлар юритиб боринг.

4. Энди мулоҳаза юритилаётган луғатларни қандай тўлдириб бориш кераклигига эътибор қаратинг, зеро бу масаланинг ўта муҳим жиҳатларидан биридир. Энг қатъий ва нуфузли хужжатлар, қонун-қоидалар, меъёрлар, тартиблар ва йўриқномаларни йиғиб, синчковлик билан танишиб чиқинг. Уларда бирор-бир, қайд этиб қўйиш зарур деб топган атамага дуч келдингизми, шу заҳоти, уни юритаётган луғатларингиздан қайси бирига («Хужжатлар»га, «Идора ва муассасаларнинг номлари»га ёки бошқасига) киритиш даркорлигини ўйлаб кўриб, киритинг. Қисқартма қўлланилганми, демак уни тегишли устунга ёзиб қўйинг, атамага изоҳ берилган ёки унинг мазмунини очиб берадиган жумла келтирилган бўлса, уни ҳам кўчириб олинг. Энг муҳими: сиз топган

атаманинг таржимасини излаб ҳар хил мултитиранлар ва бошқа луғатларни титкилаш керак эмас. Луғатнинг «Русча» – «Ўзбекча» майдонларини симметрик равишда тўлдириб боришга ошиқманг. Бўш жойлар қолса қолаверсин, бир талай ўзбек (ёки рус) атамаларига рус (ёки ўзбек) атамалари келтирилмай қолаётган бўлса, шундай қолаверсин. Сизнинг вазифангиз атаманинг луғавий таржимасини топишдан иборат эмас, балки ушбу атама бошқа ҳужжатларда қандай қўлланилгани, яъни, ўзбек (ёки рус) тилида битилган ҳужжатда қандай аталганлигини топишдан иборатдир. Керакли ҳужжатларни ўқиб борганиз сари, луғатларингизнинг бўш жойлари ҳам ўз-ўзидан тўлиб бораверади. Яъни, рус тилида битилган ҳужжатни ўқиб бирор-бир атамага дуч келиб қолсангиз унинг ўзбек тилида ёзилган варианты ёдингизга тушади. Умид қиламан-ки, луғат юритиш тамойилини (атамани таржима қилиш эмас, мутаносиб вариантини қидириш кераклигини) тушунарли баён эта олдим. Шунинг англаб етинг-ки, атаманинг ҳужжатларда топилган мутаносиб варианты унинг луғат ёрдамида таржима қилинган вариантга нисбатан доимо нуфузли, ҳаётий, долзарб, амалиётга яқин, самарали ва таржимон учун фойдали варианты саналади.

5. Луғатларни тўлдириш амаллари энг қатъий, монументал (йирик), ширасиз ёзилган, нуфузли ҳужжатларни ўқиб чиқишдан бошлангани афзалдир. Сизнинг соҳангизга оид бундай ҳужжатларни мисол келтириш менга қийин, албатта, бироқ бу масалада ҳамкасбларингиз маслаҳатлари жуда қимматлидир. Шундан сўнг нисбатан норасмий, мисол учун, иш юзасидан олиб борилган ёзишмалар, Интернет манбалари каби материаллар билан танишишга киришиш мумкин. Бироқ, буларнинг ҳаммаси сал кейинроқ, етарлича билим ва тажриба тўплаб, қўлланилаётган лексикани ғалвирдан ўтказиш қобилиятига эга бўлганингиздан кейин, яъни муаллифнинг ўзи тўқиган сўзи ёки жаргонни расмий атамадан, манбанинг ишончли ёхуд шубҳали эканлигини фарқлай билганингиздан сўнггина бажарилади.

6. Атамаларни эслаб қолиш ва сиз тўлдириб бораётган луғатларга киритиш учун назарда тутилаётган факультатив манбалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- профессионаллар фикр алмашадиган форумлар. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, форумларнинг дуч келганини титкилаб чиқиш ярамайди, бемаъни гаплар камроқ бўлиб, қимматли атама ва лексика қўлланилган тарзда конструктив суҳбатлар олиб бориладиган бир жуфт мавзу танланг;

- ҳамкасбларнинг иш юзасидан олиб борган суҳбатлари, уларнинг телефон орқали муайян ихтисосликка оид сўзлашувлари.

Яна бир ҳаётий мисол: столингиз ёнида иккита ишбилармонлар тўхтаб қолишди-да, ўзларининг юридик тилларида бижирлаб қолишди. Сиз эса диққат билан уларнинг гапига қулоқ тутишга киришинг, агар лексиканинг муҳим элементлари эшитилиб қолса, дарҳол ёзиб олинг. Бундай суҳбатларда турли ҳужжатлар ва идораларнинг фирма ичида, жаргон сифатида қўлланиладиган жуда фойдали номларини эшитиб қолиш

мумкин. Фойдаси шундан иборатки, ушбу ишбилармонлар кейинчалик бирор-бир масала юзасидан бевосита сизга мурожаат қилишганларида худди шу сленг билан жавоб қайтарсангиз (ҳар бир идорада эса ўзининг сленги бўлиши муқаррар) сиз улар учун «ўзимизники» бўлиб қоласиз.

7. Интернетда ёки бирор-бир бошқа манбада дуч келадиган ҳужжатлар ёки маълумотномаларнинг нусхаларини ўз компьютерингизга кўчириб боришни қанда қилманг. Рубрикалар²⁰ бўйича папкаларни ташкил қилинг. Худди шу тарзда фойдали сайтлар, манбалар ёки онлайн ҳужжатларга ишора берувчи папкаларни, хусусан: рубрикалар бўйича танланган нарсаларни яратинг ва ўша ерларда сақланг. Шунга эътибор қаратиш лозимки, таржимоннинг иш жойи, таржимон қўллайдиган технологиялар сўнгги бир неча йиллар ичида тубдан ўзгариб кетди. Яратилаётган электрон луғатлар қоғоз луғатлар билан тўлиб-тошган тоқчаларни аста-секин бўшатиб бормоқда. Ишлаб чиқилаётган дастурий таъминотлар эса таржимонларнинг иш унумдорлигини 40%га ошириб юборди.

8. Тушунтиришлар ва консультациялар беришни илтимос қилиб сиз мурожаат қиладиган икки-уч нафар мутахассисларни кўз остига олинг. Улар билан муносабатлар ўрнатиб, алоқангизни узманг. Табиийки, ундайлар сарасига директорлар ёки бошқа катта бошлиқлар кирмайди (улар ҳамма нарсани билади, албатта, бироқ жиддий кишиларни қандайдир атаманинг мазмунини батафсил тушунтириб бериш илтимоси билан хизмат вақтларини суиистеъмом қилиш ҳам ярамайди), бироқ маълумоти йўқ котиб ва котибалар ёки ҳайдовчилар ҳам улар жумласига кирмайди. Ҳар бир идорада кўп нарсалардан хабардор, катта ҳажмли иш қилмайдиган, ёшларга ақл ўргатишдан эринмайдиган, аксинча улар орасида обрў қозонишга интилувчан, бошлиқларга яқин юриб, ўз мавқеларига эга бўлган ходимлар бор. Ана шундай тоифага мансуб кишилар билан муносабатлар йўлга қўйилса фойдадан холи бўлмайди.

9. Доимо ғайрат-иштиёғингиз, серҳафсалалигингиз, билимга чанқоқлигингиз, фойда келтиришга, бирор-бир нарсани ўзлаштириб олишга ошиқаётганизни атрофингиздаги кишиларга намоён этиб юринг. Бундай сифатлар таржима қилиниши керак бўлган мавзунини тушунмай қийналганда жуда ҳам асқатади.

Модомики, ёш таржимонлар ҳақида гап очган эканман, улар билан, аввало эркин таржимонликка киришмоқчи бўлганлар билан дунё таржимонларининг ўз фаолияти давомида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашмоқчиман.

Гапнинг бошида шуни айтиб ўтиш жоизки ўқишни тамомлаган кечаги талабага дарҳол эркин таржимонлик (фрилансёрлик) кўчасига кириб кетиш тавсия этилмайди. Сабаби аён: олий ўқув юртида олинган билимлар мустақил ишлаш учун ҳали етарли эмас, она тили ва чет тилини билиш, ҳатто тил тарихи, таржима фонетикаси ва назарияси борасидаги пухта билимлар ҳам мен таржимонман деб айтишга ҳуқуқ бермайди. Эркин

²⁰ Рубрика – газета, журнал ва шу кабилардаги бўлимнинг сарлавҳаси, бу ерда эса Сиз танлаган мавзулар сарлавҳаси

таржимонга тажриба керак, тажриба тўплаш учун эса бирор-бир идорага (офисга) ишга кириш даркор. Идорада жорий этилган яхшигина ижтимоий имтиёзлар, каттагина маош сизнинг иззати нафсингизни қаноатлантириб, фаолиятингизни давом эттиришга ундаши ҳам мумкин, албатта. Нима ҳам дердим, қарорингиз тўғри, табриклайман! Фақат энди мазкур тавсиялар сизга тааллуқли эмас.

Йиллар ўтди, зарурий тажриба тўплаб, таржима қилиш керак бўлган янги матнга хижолат тортмай қарайдиган бўлиб қолдингиз. Имкониятларингиз гўё ҳали тўла-тўқис аён бўлмаган, амалга ошмаган туюлади, энди ўзингизни янада улкан ишларга қодирдай ҳис этмоқдасиз, эҳтимол тўланаётган маош сизга камлик қилаётган ёки идоранинг шарт-шароитлари ёқмай қолгандир. Сабаблари ўзингизга аён ҳолда ниҳоят эркин таржимонлик қилишга аҳд қилдингиз.

Мазкур тавсиялар ёзма таржимонлик соҳасида тўпланган тажрибаларга асосланади, бироқ уларда универсал маслаҳатлар ҳам бўлиб, оғзаки таржимонларни ҳам қизиқтириши мумкин.

1- тавсия: бирорта ҳам мижозга эга бўлмай туриб, эркин ишга киришиб бўлмайди. Мижозларингиз доирасини олдиндан тайёрлашингиз керак, бунга эса етарлича кўп вақт сарфлаш ва тиришиш даркор. Ишдан бўшашдан олдин ўйлаб кўринг: сизнинг таржималарингиз керак бўладиган мижозларингиз (таржима бюрolari ёки бевосита буюртмачилар) борми? Назарий эмас амалда, яъни бир неча ойлар давомида сиз таржима қилиб беришингиз учун буюртма берган буюртмачилар борми? Келажагингиз учун ўз истиқболингиз ҳисобини чиқариб кўринг. Вақт ўтиб янги мижозларга эга бўла олишингиз мумкин-мумкин эмаслигини, уларни қандай қилиб ва қаерда излаш кераклигини билиш-билмаслигингизни пухта ўйлаб кўринг.

2- тавсия: сиз қўшимча пул ишлаш йўли деб ҳисоблаган фаолият бошқалар учун асосий ишдир. Шундай экан, профессионал эркин таржимонлар орасида қабул қилинган қоидаларга амал қилмоқ лозим. Идорадаги ишингиз давомида етарлича тажриба тўплаб олганингиз боис энди сизни ҳаваскор таржимон деб бўлмайди. Сиз ҳали эркин таржимонлик қилмаётган, бунинг учун эндигина замин яратаётган бўлсангиз ҳам, «идорадан ташқари ишларингиз» баҳоси таржима хизмати бозорида қабул қилинган баҳоларга мувофиқ келиши керак. Акс ҳолда кафолатланган маош бўлмайдиган эркин ишга киришар экансиз бажарадиган ишингиз баҳосини ошириш сиз учун узоқ ва мушкул кечади. Шундай экан ишингизга бошидан муносиб баҳо белгиланг.

3- тавсия: бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарувчисиз, ҳам ижрочисиз. Шундай қилиб сиз эркинсиз, эртадан кечгача нима иш қилишингиз кераклигини кўрсатадиган ҳеч ким йўқ, бироқ шу билан бирга қатъий белгиланган маошингизни йўқотгансиз. Энди ўз вақтингизга ўзингиз хўжайинсиз, бандлигингиз ҳам, даромадларингиз ҳам ўзингизга боғлиқ. Айримлар «Эркин таржимон уйда ўтиришдан хурсанд бўлади», - деб ўйлайдилар, бироқ масаланинг муҳим бир томонини назарда тутмайдилар: агар эркин таржимон ўз иш вақтини тўғри ташкиллаштирмас экан

даромадини йўқотиши муқаррар (ёдингизда бўлсин қатъий белгиланган маош энди тўланмайди).

4- тавсия: қонуний таржимонлик. Тинчгина ухлаш, солиқ ва шу каби бошқа тўловлар ўтказиш, энг муҳими декларация қилинган даромадга эга бўлиш учун солиқ хизмати рўйхатидан ўтиш зарур. Хусусий тадбиркор мақомига эга бўлиш ва бу борада олдиндан тайёргарлик кўриб, тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқиш керак.

5- тавсия: тегишли талабларга мувофиқ тузилган резюме. Резюме (ўзингиз ҳақингизда берган маълумотларингиз) бир, максимум икки саҳифадан иборат бўлмоғи ва бундан ошиб кетмаслиги лозим, чунки узундан-узоқ ёзилган резюменгизни ўқишга бировнинг вақти бўлмайди. Резюменинг биринчи сатрларида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим: фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, туғилган йилингиз, сиз истиқомат қилаётган шаҳар номи, телефонингиз (шу жумладан қўл телефонингиз) рақами, электрон манзилингиз (бундай манзилнинг захирасига эга бўлиш ва иккаласини ҳам кўрсатганингиз афзал), сиз ишлайдиган тиллар жуфти (бир ёки бир нечта жуфтлари), таржима йўналиши, сиз таржима қиладиган асосий мавзулар, иш жараёнида сиз қўллайдиган аппарат ва дастурий таъминотлар. Агар сиз жиддий лойиҳалар устида олиб борилган ишларда иштирок этган бўлсангиз, уларнинг айримларини кўрсатиб ўтсангиз бўлади. Бундан ташқари сиз бажарган ишлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни илова этсангиз ва уларни ёзган шахслар билан алоқа боғлашга доир маълумотларни кўрсатиб ўтсангиз ёмон бўлмайди.

6- тавсия: тилга оид маълумот бўлмаслиги муаммони? Амалиётнинг кўрсатишича: 1) тилга оид олий ўқув муассасалари ва 2) тил ўрганишга дахли бўлмаган олий ўқув муассасаларининг айрим битирувчилари таржимон бўлиб етишмоқдалар. Биринчи гуруҳга мансуб шахсларга таржимонлик фаолиятини бошлаш нисбатан осон кечади, бироқ бир неча йил ўтгач, агар она тили ва чет тили (тиллари) яхши ўзлаштирилган бўлса, иккала битирувчининг ҳам имкониятлари тенглашади. Табиийки, биринчи гуруҳга мансуб битирувчилар, агар ўқишни тамомлаб бир ёки бир нечта соҳаларни ўзлаштириб олсалар, иккинчи гуруҳга мансуб битирувчилар эса чет тилини пухта ўзлаштириб, она тилига оид билимларига сайқал берсалар кўпроқ муваффақият қозонадилар. Ана шундагина иккала тоифа вакиллари профессионаллар сифатида керак бўладилар.

7- тавсия: чет тилини билиш камлик қилади, она тилида хатосиз сўзлаш ва ёзиш янада муҳимдир. Мисол тариқасида таржимоннинг она тили – ўзбек тили деб олаемиз. Сўзлаш (ёзиш) тарзингиз – визит карточкангиздир. Саводлилигингиз ғайриихтиёрий (машинал) даражага етган бўлиши, ҳар қандай расмий ёки норасмий хатингиз, форумлардаги маълумотларингиз ва сиз томондан битилган бошқа ҳар қандай ёзув-чизувлар ўзбек тилининг барча қонун-қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт. Тиниш белгиларидан сўнг қолдирилиши керак бўлган оралиқларнинг

қолдирилмаганлиги, тиниш белгиларининг қўйилмаганлиги, имловий хатолар, жумладаги сўзларнинг нотўғри тартибда жойлашиши – кишининг тартибсиз, эътиборсиз ёки энг ёмони саводсиз эканлигидан далолат беради.

8- тавсия: чет тилига ёзма таржима. Ёзма таржима фақат она тилига қилинади деб эътироф этилган. Агар сиз чет тилига таржима қилишга киришмоқчи бўлсангиз шуни назарда тутинг-ки, зиммангиздаги масъулият (шу жумладан меҳнат ҳажми) бир неча баробарига ортади. Ушбу матнни таржима қилинаётган тил соҳибига ўқитиб кўрсангиз яхшидир.

9- тавсия: вилоят ёки мамлакат ҳудудидан ташқаридаги мижозлар билан олиб бориладиган ишлар. Агар ўзингизни таржима хизматининг давлат ёки халқаро бозорида синаб кўришга аҳд қилган бўлсангиз, энг асосий қондани эслаб қолинг: агар бегона бозордаги нархлар оддий тарифларга нисбатан баланд бўлса, ўша бозор нархига мослашинг. Мисол учун сиз европалик мижозни топиб, унга хизмат ҳақингиз баҳосини белгилаш борасида ўйланиб қолдингиз. Энг яхши йўли бундай таржима учун Европада белгиланган нархларни аниқлаб олиш, бунда тўплаган тажрибангизни ҳам инobatга олишингиз (негаки ёш таржимонга бериладиган ҳақ доимо оз бўлади) ва таржима хизматининг Европа бозорига тўғри келадиган нархни тайинлашингиз керак. Бу нафақат маънавий нуқтаи назардан (негаки кўп ҳақ тўланадиган бозорда паст нарх белгилаб жойлик таржимонларнинг нонини яримта қилиб қўясиз), балки шахсан ўз манфаатларингиз учун ҳам муҳимдир. Авваламбор, муайян давлатда қабул қилинган нархни пасайтириб сиз айнаи дамда ҳам, истиқболда ҳам фақат ўзингизни ўзингиз моддий жиҳатдан жазолаётганингизни тушуниб етишингиз керак. Зеро кейинчалик хизмат ҳақингизни кўтаришингиз жуда қийин бўлади.

10- тавсия: ҳамкасбингиз хатонгизни кўрсатди. Агар ҳамкасбингизни ноҳақ деб билсангиз унга қайси масалада адашаётганлигини тушунтиринг. Мабодо ҳақ бўлса, кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдиринг. Худди шундай, буни айнан ёрдам деб тушуниш ва бошқа ҳеч қандай хаёлга бормаслик керак! Ҳамкасбингиз бефарқ қараши мумкин эди-ку, агар у ёрдам бермаса сизга ким ёрдам қўлини узатади? Ўзингиз узоқ вақт ғафлатда қолишингиз, чет тилига таржима қилаётганингизда боадаб хорижликлар уларнинг тилида гапириш ва ёзишга интилаётганингиз учун сизга ҳар қанақасига таҳсин ўқиши мумкин, буюртмачингиз эса (айниқса ушбу хато жуда кўпол бўлса) сиз билан олиб бораётган ишни тўхтатади қўяди. Шундай экан ҳар қандай тузатиш ва насиҳатлар – фақат сизнинг манфаатларингизга хизмат қилади. Бироқ, бу тавсияда таржимон ва таҳрирчи ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гап боргани йўқ.

11- тавсия: буюртмани тўғри қабул қилиш. Агар буюртмачи буюртма бериш билан бир вақтда қайси компания номидан сизга мурожаат қилаётганини маълум қилмаган, у билан алоқа боғлашга доир маълумотларни бермаган бўлса, буюртмани бажаришга розилик беришдан

олдин хушмуомалалик билан ундан зикр этилган ахборотларни сўраб кўринг. Мабодо ушбу буюртмачи сиз билан илк бор ишлаётган бўлса, турли усуллар билан унинг реаллиги ва ҳақ тўлашга қодирлигини текшириб кўринг. Башарти келишувга телефон алоқаси орқали сўзлашувларда эришилган бўлса, буюртмачидан расмий мурожаатини ёзма равишда юборишини албатта илтимос қилинг. Бундан ташқари, буюртмани бажариш учун қабул қилиб олгунга қадар қуйидаги шартларни олдиндан келишиб олмоқ шарт: ҳисоблаш учун хизмат қиладиган бирлик (мисол учун, аслиятдаги сўз, ҳисоблаш усули билан биргаликдаги эффектив сўз, ҳар 1800 дона белги улар орасида қолдириладиган оралиқлар билан ҳисобланиши ёки бунинг ўрнига 250 та сўз ҳисобланиши, оғзаки таржиманинг бир соати, муҳаррирлик ва таҳрирчилик ишлари ва ҳ. к.), бажарилган иш топшириладиган сана, хизмат ҳақи тўланадиган муддат (таржима топширилган ҳамоно, кейинги ойнинг бошида, таржима топширилган кундан икки ой ўтганидан сўнг), таржима олдига қўйиладиган алоҳида талаблар (агар қўйиладиган бўлса), маълумотнома мазмунидаги материаллар ва маълумотлар базаси бор-йўқлиги, дастурий таъминотга доир талаблар ва шу кабилар. Энг яхшиси ушбу шартларнинг ҳаммасини (иш ҳажми, хизмат ҳақи, муддатлар ва ҳ. к.) хатда баён этиб, буюртмачидан уларнинг тўғри кўрсатилганлигини тасдиқлаб беришни илтимос қилган маъқул. Бироқ, иш шу даражага етгунга қадар, буюртмачидан таржима қилинадиган матнни сўраб олиб, уни диққат билан ўрганиб чиқиш албатта керак. Кўрмай-билмай сизга номаълум ишга асло розилик бериб бўлмайди. Матнни олиб танишиб чиқинг, сарф этадиган меҳнатингизнинг тахминий ҳисобини чиқаринг, таржима учун белгиланаётган муддат сиз учун реал эканлигини ўйлаб кўринг ва шундан сўнггина розилик беринг.

12- тавсия: доимо алоқада бўлинг. Қўл телефони доимо уланган бўлиши, электрон почта имкон қадар тез-тез текшириб борилиши лозим. Уйингизда факс бўлса ёки компьютерингизга виртуал факс уланган бўлса чакки бўлмайди. Мижозларингиз хатига имкон қадар тез жавоб беришга ҳаракат қилинг, зеро улар тезкорлигингизни назарга тутиб қўядилар. Агар бирор ерга жўнаб кетаётган бўлсангиз, бу ҳақда буюртмачиларингизни огоҳлантириб қўйишни унутманг. Таътилга чиққан бўлсангиз ҳам электрон почта яшиги (шу жумладан почта қутисини) кунида кам деганда икки маротаба текшириб боришга ҳаракат қилинг. Таржимон қўл телефонини уламаганлиги ёки почтасини икки соатга кечикиб текширганлиги туфайли ҳам яхши буюртмани ўтказиб юбориши мумкин. Яна бир маслаҳат: тайёр бўлган буюртмани юборар экансиз, унинг қабул қилинганини тасдиқлаб беришни мижоздан албатта илтимос қилинг.

13- тавсия: билим савиясини ошириш. Тегишли билимлар захирасига эга бўлмай туриб фаолиятингизни ривожлантириш ва олға илгарилаш иложи йўқлигига эътибор қаратинг. Турли ихтисосликларга мўлжалланган китоб ва журналларни мутолаа қилиб боринг, янги дастурий таъминотларни харид қилиб, ўзлаштиринг, зарурий курсларда ўқинг,

мутахассислар маслаҳатларини олинг. Агар буюртмачиларингиз орасида таржима бюролари бўлса, улар билан таржималарингизнинг таҳрир қилинган кўринишини қайтиб олиш борасида келишишга ҳаракат қилинг ва киритилган тузатишларни албатта ўрганиб боринг. Аксарият бюролар бунга кўнадилар, бунинг натижасида тажрибали таҳрирчи-ҳамкасбингиз сиз таржима қилган матнни қандай таржима қилган бўлар эди ва у сиз йўл қўйган қандай хатоларни топганлигини билиб оласиз. Агар сиз хато деб кўрсатилиб, ўрнига киритилган бирор-бир тузатишга рози эмаслигини билдирмоқчи бўлсангиз, бу ҳақда буюртмачига ёзиб юборинг. Одатда миждозлар, ишга бундай тиришқоқлик билан ёндашадиган таржимонларга ҳурмат билан қарайдилар.

14- тавсия: ҳамкасблар билан мулоқот. Эркин ёзма таржимон аксарият ҳолларда ўз хонадонига бекиниб, куни бўйи ишлайди. Бироқ, Интернет сизга ҳамкасбларингиз билан форум ва блогларда мулоқот қилиш, ёзишмалар олиб бориш имконини беради. Бундай муносабатда бўлиш нақадар муҳим эканлигини назар-писанд қилмаслик мумкин эмас. Негаки бундай муносабатлар сизга: ёлғиз эмаслигингизни тушуниб етиш имконини беради, профессионал жиҳатдан камол топишингизга омил бўлади, ҳамкасбларга савол бериш ва бирталай тўпланган ахборотлардан фойдаланишга имконият туғдиради ва ҳ. к. Шунинг учун шундай Интернет-уюшмалардан қидирадилар. Топадилар ҳам. Нима учун сиз уриниб кўрмаслигингиз керак? Ва албатта ҳамкасблар билан реал ҳаётда ҳам учрашиб туришга (яхши-ёмон кунларида ёнида бўлишга) ҳаракат қилинг, негаки ҳеч қандай форум шахсий муносабатлар ўрнини боса олмайди.

15- тавсия: алоқаларни ривожлантириш. Юқорида баён этилган муносабатлар билангина чекланиб қолманг. Сиз таржима қиладиган тил соҳиблари орасидан ҳам танишлар оттиришга ҳаракат қилинг (айниқса шу тилга таржима қиладиган бўлсангиз). Шаҳрингизда қандай олий ўқув муассасалари борлигини ва ушбу муассасаларда нималар ўқитилишини суриштириб билинг. Ушбу муассасаларда ишлаб, сизга зарур бўлиши мумкин ихтисосликлар мутахассислари билан норасмий муносабатларни йўлга солинг. Эҳтимол вақти келиб сизга ўзингиз танийдиган вёрсткачи, веб-устаси ёки дизайнер керак бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли бундай танишлар доираси ҳам халақит бермайди. Айтиш керакки сиз ишлайдиган тил жуфтида таржима қиладиган ишончли таржимонлар билан танишиб олиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳамкасблар зарур фурсатда, мисол учун буюртмаларга кўмилиб кетиб, ўз вақтида бажаришга улгурмай қолаётганингизда ёки тўсатдан бетоб бўлиб қолганингизда ёрдам қилишлари мумкин.

16- тавсия: янги асбоблар мажмуини ўзлаштириш. Дунёдаги жамики нарсалар янгиланиб боради, таржимон касби ҳам бундан холи эмас. Бугунги кунда у нафақат матнни териш, балки турли-туман ихтисослаштирилган дастурий таъминотлар, таржимага оид ва кўплаб

бошқа дастурлар билан ишлашни билиши шарт. Айрим дастурлар билан ишлашни билмас экансиз катта ҳажмли жиддий лойиҳалар устида олиб бориладиган ишларда иштирок этиш сизга насиб қилмаслигини унутманг. Мукамал электрон луғатлар, турли форматларда яратилган файлларни²¹ ўқиш учун мўлжалланган дастурлар, архиваторлар²² ва бошқа кўплаб фойдали катта-кичик дастурларсиз амал-тақал қилишнинг иложи йўқ.

17- тавсия: иш жойингиз. Ёзма таржимоннинг бугунги иш жойи – компьютердир, модомики шундай экан уни асраб-авайланг, ардоқланг. Яхшигина кўчмас диск, катта ҳажмли хотира, аниқ ва тоза босадиган принтер²³, маълумотларнинг захира нусхаларини сақлашга доир пухта ўйлаб ташкил қилинган иш, жиддий ишлаб чиқарувчи корхонасида тайёрланган монитор²⁴, қулай клавиатура²⁵, курси, компьютер столи ва кўплаб бошқа нарсалар – нафақат ишингизни енгиллаштиради, балки соғлигингизни ҳам сақлайди.

18- тавсия: иш вақтингиз. Энди сизда қатъий белгиланган иш куни йўқ, ўзингизга хон, ўзингизга бексиз, зеро ўз иш режимингизни ўзингиз белгилайсиз. Бир жиҳатдан бу яхши, албатта, бироқ масалага бошқа томондан ёндашиладиган бўлса, бундай ҳаёт тарзи кишидан янада интизомли ва масъулиятли бўлишни талаб қилади. Ўз вақтингизни қандай ишларга ва қай тарзда сарф этишингизни пухта ўйлаб чиқишингиз даркор. Шунинг назарда тутинг-ки, вақт сизга нафақат таржима қилиш учун, балки зарурий атамалар қидириш, мутахассисларнинг консултациясини олиш, буюртмачи қидириш, буюртмалар ҳисобини юритиш, буюртмачилар олдига хизмат ҳақингизга оид талаб қўйиш, дастурий таъминот ўрнатиш, уни янгилаб бориш каби бошқа ташкилий ишлар учун ҳам зарур бўлади. Яна шунга эътибор қаратинг-ки, сизга, айниқса дастлабки паллада баъзан ярим тунгача, аксарият ҳолларда эса дам олиш кунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Буларнинг бари бекордан-бекор вақт ўтказиш эмас, иш эканлигини нафақат сиз, балки оила аъзоларингиз ҳам тушуниб етиши лозим. Сиз компьютер рўпарасида шунчаки ўтирмай ишлаётганингиз, сайтдан сайтга шунчаки ўтиб вақт ўтказмаётганингиз, аксинча иш учун керакли ахборот қидираётганингизни уларга тушунтириб беришга ҳаракат қилиб кўринг.

²¹ Файл (инглиз. file, асосан: қоғозларни тикиб қўйиш, картотека ҳамда маълумотлар тўплами маъноларини англатади), айрим ёзувларни идентификациялаш учун хизмат қиладиган тавсифларга эга, ўзаро боғлиқ, тартибга солинган ёзувлар мажмуи. Асосан компьютернинг ташқи хотирасида жойлашиб, юбориш ва ишлов бериш жараёнида яхлит ҳолдаги нарса сифатида қабул қилинади

²² Архиватор – компьютерда яратилган ҳужжатларни архивловчи дастур

²³ Принтер – ахборотни қоғозга босиб чиқариш учун мўлжалланган электромеханик қурилма. Принтерлар монохром ва рангли, зарб бериб (impact) ва зарб бермай ишлайдиган (non-impact) турларга бўлинади. Иши изчил кечадиган принтерлар белгиларни кетма-кет босади, сатрли принтерлар – битта сатрни бирданига, саҳифали принтерлар эса битта саҳифани бутунлигича шаклантиради. Ахборотни босиш технологиясига кўра принтерлар матрицали, пурковчи, лазерли, ёруғлик диоди воситасида ишлайдиган ва сублимацион турларга фарқ қилади.

²⁴ Компьютер монитори (дисплей, инглиз. display – кўрсатмоқ, тасвирламоқ), матнли ва график ахборотларни асосан кинескоп (электрон-нурли асбоб) экранида кўз билан кўриш учун акс эттирадиган қурилма. Мониторлар рангли ва монохром бўлиб, бир-биридан ўлчамлари билан фарқ қилади. Шунингдек, сошлаш ва рангларни тўғрилаш учун мўлжалланган турли воситалар билан жиҳозланади. Мониторларнинг ахборотни тасвирлаш имкониятлари (акс эттириладиган тасвирдаги горизонтал ва вертикал бўйича чиқариладиган нуқталар сони) турлича бўлади.

²⁵ Клавиатура (нем. klaviatur, лат. clavis – калит), муайян тартибда жойлаштирилган пишанг-туғмалар тўплами.

19- тавсия: ўз меҳнатингизни қадрланг. Сиз ўзингиз учун ишлайсиз, ҳаётингиздаги кўп нарсалар даромадингизга боғлиқдир. Агар ўз кучингизга ишонсангиз, тажрибангиз етарлича бойиб кетса, бажарган ишларингиз сифатли эканлиги кўп маротаба ўз тасдиғини топган бўлса, мижозларингиз сиз ҳақингизда яхши фикр-мулоҳазалар билдирган бўлсалар ўз меҳнатингизни арзон баҳолаб, кам ҳақ тўланадиган ишчилар лагерини тўлатманг. Эски буюртмачилар учун хизмат ҳақингизни оз-оздан ошириб, янада кўпроқ ҳақ тўлайдиган янги мижозлар топишга ҳаракат қилинг. Тарифни оз бўлса ҳам оширишингиз даромаднинг сезиларли ортишига олиб келади. Мисол учун, ҳар бир саҳифа учун тўланадиган ҳақни сиз атиги 0,5 долларга оширингиз, бир ой ичида, айтайлик тахминан 200 саҳифа таржима қила оласиз; бинобарин сиз бир ойда 100 долларга, бир йилда эса 1200 долларга кўп ҳақ оласиз (мутлақо ортиқча эмас).

20- тавсия: жиддийлик ва тезлик. Ҳар бир таржимага, ҳаттоки у соддагина бўлса ҳам жиддий ёндашинг. Аксарият ҳолларда шундай вазият бўладики, кичик ҳажмли, лекин синчковлик билан бажарилган таржимадан сўнг буюртмачидан етарлича катта ҳажмга эга матн келади. Имловий хатолар бор-йўқлигини текшириб чиқишни асло унутманг, таржимани қайта ўқиб чиқишни, бунда компьютер экранида эмас, балки қоғозга чиқариб ўқишни, вақт ўтиб, иш ниҳоясига етгач уни қайтадан ўқиб чиқишни одат қилинг. Мақбул тезлик билан ишлашга, буюртмани бажариш муддатини чўзмасликка ҳаракат қилинг. Агар сизга ўн та саҳифани бир ҳафта муддатга беришган бўлса, ишни охиригиз кунга қадар сурманг. Ушбу матнда қандай қийинчиликларга дуч келишингиз мумкинлигини ким билади? Бундан ташқари, ҳафта ўртасида бошқа бир буюртмачи яна бир буюртма юбориши мумкин бўлиб, эҳтимол ҳаяжонда қолиб кетарсиз. Гарчи бундай ҳолатнинг олдини олиш ўз қўлингизда эди. Бироқ, такрор эслатиш жоизки: таржима сифатли бўлиш кераклиги асло эсдан чиқмасин!

21- тавсия: дам олиб туринг. Уйқусиз тунлар, иш билан банд бўлган дам олиш кунлари, эрта соат 5 да уйғониш – буларнинг барига эҳтимол муайян вақт бардош бериш мумкин. Дам олиш учун вақт топишга, дастлаб ишнинг ҳар бир соатидан сўнг 10 дақиқадан, кейинчалик дўстлар даврасида бўлиш, оила аъзолари билан ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг. Шундай қилингандагина киши иш қобилиятини узоқ вақт сақлаб бориши, икки ой тинимсиз меҳнатдан сўнг лоқайд бўлиб қолишдан сақланиши мумкин.

Оқ йўл сизга эркин таржимон!

6. Саволлар ва жавоблар

Аксарият таржимонларга ҳар замонда таржима ва таржимонлик фаолияти ҳақидаги саволларга жавоб бериб боришга тўғри келади. Қуйида тез-тез берилиб турадиган шундай саволларнинг айримларига жавоб беришга уриниб кўрдим.

1- савол. Зудлик билан қилинадиган таржима ёки таржимон бир

кунда нечта саҳифа таржима қилиши мумкин?

Тажрибали ёзма таржимон аслиятнинг ўртача мураккаблиқда битилган матни устида ишлар экан бир кунда, таржима сифатига зарар етказмаган тарзда 7-8 стандарт саҳифа таржима қилиши мумкин (стандарт саҳифа деб, белгилар орасидаги оралиқлар билан биргалиқда саналган 1800 дона белгига айтилади).

Яхши таниш бўлган мавзу матни устида ишлаётган таржимон ўзи яратган «таржимон хотираси» ва TRADOS дастуридан фойдаланган тарзда юқорида айтилган ҳажмга эга саҳифаларнинг 12 тасини бир кунда ўгириши мумкин.

Таржиманинг ушбу ҳажмини меъёрий иш ҳажми деб ҳисобласа бўлади. Ушбу меъёрдан ошадиган ҳар қандай иш – зудлик билан бажариладиган иш саналади ва оширилган тариф бўйича ҳақ тўланади. Оширилган тариф шартнома тузилган тарзда белгиланадиган тариф бўлиб, топшириладиган таржиманинг муддаоли муддати ва ҳажмига боғлиқ ҳолда ҳар бир ҳолатда алоҳида белгиланади. Айти пайтда буюртмачи шуни ҳам тўғри тушуниши керакки, зудлик билан ўгириб бераётган таржимондан, у катта тажрибага эга бўлса ҳам, сифатли таржима кутиш керак эмас. Таржимоннинг толиқиши ва матнни сайқаллаштиришга вақти етмаслиги таржима сифатига салбий таъсир ўтказди.

Бир иш куни давомида 20 саҳифа ёки кечқурун бошлаб эртаси соат 11 да топшириладиган 10 саҳифа ёхуд 1-2 соатда ўгириб бериш керак бўлган 2-3 саҳифа ва ҳаттоки 20-30 дақиқа ичидаги 1 саҳифа бўлсин – буларнинг бари зудлик билан бажариладиган таржима саналади. Таржима қилиниши керак бўлган матннинг қийинлиги ёки унда мураккаб расм ёки жадваллар мавжудлиги боис таржиманинг кўп меҳнат талаб қилиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Умуман айтганда ҳар қандай таржимани ҳам тез суръатда бажариб бўлмайди.

Агар сиз буюртмачи сифатида доимо сифатли таржимага эга бўлишни хоҳласангиз, таржимонга оқилона вақт белгилашга ҳаракат қилинг, яъни: қулай иш режими ёки мураккаб матнлар учун 7-9 соатли бир иш кунида – 5-7 саҳифа, мураккаб бўлмаган стандарт матнлар учун эса – бир кунда кўпи билан 10-15 саҳифа (10-12 соатлик иш). Шундай қилсангиз юқори малакали таржимонлар сиз билан бажонидил ишлашади, сиз эса, ўз навбатида, уларнинг меҳнати натижасидан мамнун бўласиз.

2- савол. Тадрижий таржима қандай таржима?

Тадрижий таржимада нотик нутқи жумлаларга бўлиниб таржима қилинади. Бунда таржимон нотик ёнида туради ва талаффуз этилаётган жумлаларни диққат билан эшитиб, керакли ёзувлар олиб боради. Сўнг нотикдан микрофонни олиб, унинг гапларини имкон қадар аниқ таржима қилишга киришади.

Реал таржима амалиётида таржимон нотикнинг ҳар бир жумласидан сўнг гапини бўлиб, баъзан эса нотик билан параллел (синхрон таржимага яқин даражада) гапириб боради. Бу таржима жараёнини тезлатиш ва

ахборотнинг муайян ҳажмини етказишга сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини яратади.

Таржиманинг ушбу тури кўпроқ ўқув семинарлар, презентациялар, иш юзасидан олиб бориладиган музокараларга тўғри келади. Бундай тадбирлар давомида катта аҳамият энг майда тафсилотларга киритиладиган аниқликларга қаратилади. Шунинг учун сўзга чиққан шахс, қоида тариқасида, атайин гапиришдан тўхтаб, таржимон ўз таржимасини тугатгунга қадар кутиб туради.

3- савол. «Шептало» билан қилинадиган таржима қандай таржима?

Шептало – ичига микрофон ўрнатилган, олиб юриладиган кичик мослама бўлиб, конференциянинг асосий иштирокчиларига халақит бермаслик учун таржимонга иштирокчилардан нарида ўтириш ва микрофонга гапирганча таржима қилиб бориш имконини беради.

Шептало билан қилинадиган таржима ташкилотчиларга синхрон таржима учун ишлатиладиган жиҳозларни монтаж қилиш ва уларга хизмат кўрсатишга сарфланадиган маблағни тежаш имконини беради. Бироқ, айти пайтда таржимонга ҳам, таржима «истеъмолчилари»га ҳам муайян ноқулайликлар туғдиради, жумладан:

синхрон таржимадан фарқлироқ, таржимонда қулоққа тақиладиган радиокарнайча бўлмади ва шу боис у залдаги овозларни тутиб боришга мажбур бўлади, яъни таржимон имкон қадар гапираётган одамга яқин ўтириши ёки бир нотиқ олдидан иккинчиси олдига етиб боришга улгуриб қолиши керак бўлади;

конференция иштирокчилари «шептало»ли таржимон гапига, одатда, кабинада ўтирадиган синхрон таржимон гапига нисбатан кам эътибор берадилар, шу сабабли таржимани ўтказиб юбориш ва нотўғри тушуниш ҳолатлари муқаррар бўлиб қолади;

нотиқдан гапирган гапини такрорлашини ёки мазмунига аниқлик киритишини сўраб илтимос қилиш имкони деярли йўқ;

энг тажрибали синхрон таржимон ҳам шептало орқали малакали таржима қила олмайди. Негаки у ғайриихтиёрий равишда гапираётган киши томон бўйин чўзиш, гапига зўр бериб қулоқ тутишга мажбур бўлади;

ниҳоят, таржиманинг ушбу тури кам обрўли саналиб, конференциянинг таржимани ташкиллаштириш масаласига оид умумий нуфузи путур кетади.

4- савол. Қулоққа пичирлаб қилинадиган таржима қандай таржима ва нима учун у ёқмайди?

Аксарият ҳолларда буюртмачи ёки буюртмачи номидан таржимон билан боғланган шахснинг таржима ҳақида тасаввур итарлича аниқ бўлмаганлиги сабабли «Қулоққа пичирлаб қилинадиган синхрон таржима керак» деган гапларни эшитиб туришга тўғри келади. Бундай ҳолат, одатда, конференцияда даражаси унчалик юқори бўлмаган ва қандайдир сабабга кўра конференциянинг бошидан охиригача ўтиришни истамаган 1-2, кўпи билан 3 нафар хорижликлар иштирок этадиган бўлганда рўй беради.

Бунда, синхрон таржимада қўлланиладиган қимматбаҳо жиҳозлар ва меҳнати арзон бўлмаган синхрон таржимонларни конференцияга жалб этмаган тарзда ҳақиқатан ҳам маблағни тежаб қолиш мумкин, албатта. Бироқ, таржима сифати ҳам тегишлича бўлади. Конференция ташкилотчилари ва таржимон ҳарчанд уринишмасин, залда ҳаммани кўриш ва эшитиш қулай бўлган, шивир-шивир билан конференциянинг бошқа иштирокчиларига халақит берилмайдиган жой топишга доим ҳам осон эришилмайди.

Аслида бу, таржиманинг кўмакчи тури бўлиб, кенг қўлланилмайди. Ҳақиқий синхрон таржимонга буларнинг бари ноқулай ва тоқатсиздир. Негаки у иккита мижоз ўртасида ёки уларнинг ортида (президиумда ёхуд залдаги мижозлардан кейинги қаторда) қимир этмай, нутқни яхшироқ эшитиш учун нотик томон бошини доимо чўзиб ўтирганча ўзини бировнинг «қулоғига боғланиб қолган кучукчадай» ҳис этиш ўрнига, синхрон таржима кабинасида ўтиришни ва нотик гапини қулоққа тақиладиган радиокарнайча орқали эшитишни афзал кўради.

Таржима сифати ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Бунда таржима фақат оралаб қилиниб, кўп гаплар ўтказиб юборилиши, мазмуннинг бузилиши муқаррар. Бунинг устига буюртмачиларнинг ҳаммасида ҳам иккала қулоғи бир хилда яхши эшитмайди, кўпларига эса куни билан орқада кимдир туриб нафас олиши, ўйга чўмиш ёки бир оз мизғиб олишга халақит бериши ёқмайди. Узундан-узоқ пичирлаб гапириладиган гапни эшитиб ўтириш ҳам осон эмас.

5- савол. Профессional таржима нимаси билан фарқ қилади ва нима учун қиммат туради?

Ушбу мавзу ғоят кенг бўлиб, таржимонлик фаолияти каби жуда кўп жиҳатларга эгадир. Гапни шундан бошлаш керакки, профессионал таржимон, одатда, нотик фикрини барча оҳанглари билан бирга жуда яхши тушунади (чунки у чет тилини ўз она тилидай яхши билади) ва ушбу фикрни адекват маънода ўгириб, бошқа тил соҳибларига етказиш учун етарли малакага эга бўлади, яъни профессионал таржимон тилга оид умумий маълумотга эга бўлибгина қолмай, махсус атамаларни яхши ўзлаштирган, таржима стратегияси ва тактикасидан бохабар бўлади.

Профессional бўлмаган ёки маҳорати етишмаган таржимон ёхуд тилни чекланган равишда билладиган мутахассис эса аслият мазмунини базўр тушуниб, унда нима назарда тутиладиганини тахмин қила олади холос. Айтайлик у аслиятни тўғри тушунган бўлса ҳам тилни ҳамда автоматик даражада фикрлаш ва бир вақтнинг ўзида ҳам тинглаш, ҳам сўзлаш қобилиятини етарли даражада амалий ўзлаштирилмаганлиги оқибатида нотик томонидан айтилган гапни тўғри ва аниқ ўгира олмайди. Натижада унинг таржимаси қандайдир узундан-узоқ шарҳга айланиб кетади, таржима давомида ўз сўзларига тузатишлар киритиб, нотикдан айтилган жумлани қайта такрорлашни, сўзлар маъносини ойдинлаштириб беришни сўраб боради ва ҳ. к.

Энг асосийси: зўрлаб қилинган бундай таржима туфайли иш юзасидан

олиб борилаётган мулоқотнинг суръати сустлашади, оқибатда таржимон зарурий ёрдамчи сифатида эмас, аксинча мулоқотга халақит бераётган омил сифатида қабул қилинади. Вазият шу даражага етиб борадики, таржима қилиниши керак бўлган аслиятни ҳамма аллақачон фаҳмлаб бўлди-ю, фақат бечора таржимонгина тушунмай қолаётгандай мулоқот иштирокчиларининг ҳаммаси жўр бўлиб унга ёрдам бера бошлайдилар.

Агар сизни, мухтарам буюртмачи, ҳаваскорлар ижросидаги шундай таржима қаноатлантирса, бир талай маблағингизни тежаб қолишингиз, ёмон таржима устидан мириқиб кулиб, кайфиятингизни кўтариб олишингиз мумкин.

Аммо, юқори малакали таржима зўр бериб тиришишни, сурункали меҳнат ва катта маблағ сарф этишни, хусусан компьютер ҳамда китоб ва электрон шакллардаги луғатлар харид қилишни, тегишли тил қўлланиладиган юртларга сафарга бориб туришни талаб қилади. Шу боис ҳам профессионал таржима қиммат туради.

Агар холисона ёндашадиган бўлсак, 30 йиллик стажга эга таржимон меҳнати дастгоҳни ишлатиш учун ёзилган техник ҳужжатларнинг эндиgina икки тўпламини таржима қилишга, таржимаси билан монтаж ишлари жараёнида икки мартабагина иштирок этишга улгурган таржимон меҳнатидан 2-3 карра эмас, 10 карра қиммат туриши керак деб ўйлайман.

6- савол. Профессионал таржимон ҳамма матнларни ҳам бирдай яхши таржима қилиши мумкинми?

Аслида универсал таржимонлар жуда оз бўлади. Таржима ихтисослиги қанчалик тор бўлса, таржиманинг юксак сифати ва барқарорлиги шу қадар осон таъминланади. Ҳаттоки энг универсал таржимонларнинг ҳам кучли ва заиф томонлари, афзал кўрадиган соҳалари (мавзулари) бўлади.

Айтайлик, шундай таржимонлардан бири ҳар қандай мураккаб ва чигал мавзуда ўтказиладиган семинарни зўр иштиёқ билан таржима қилади, кўпчилик таржимонларни эса таржимани жуда қизғин бажариш, соҳанинг майда-чуйда тафсилотларини идрок этиш, луғавий ва терминологик икир-чикирларни пухта билишни талаб этадиган «семинар» сўзи даҳшатга солади. Бироқ, ушбу таржимонга жамоат олдида саҳнада туриб таржима қилиш ёки тадрижий таржиманинг умумэътироф этилган шакли, яъни: нотик нутқининг бир нечта абзацларини эшитиб олиб, гўё тафаккури жуда теран ишлаётганлигини ифода этаётган ақлли чеҳра билан, нотик айтган гапларни нотўғри ўгириш азалдан қизиқ туюлмайд.

Агар энг юқори малакага эга таржимонларнинг бир неча нафарини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, уларнинг айримлари чет тилидан она тилига, айримлари эса аксинча таржима қилишни афзал кўрадилар. Бири компьютер қаршисида соатлаб ўтириш ва бир талай луғатларни титкилаб чиқишга тайёр бўлса, бири синхрон таржимон қисматига тўғри келадиган ҳаддан ортиқ зўриқишига қарамай синхрон таржимага боришни афзал билади. Агар таржима мавзуси ҳақида гап борса, бундай таржимонлар ўнлаб соҳаларни (агар ундан-да кўп бўлмаса) комил ишонч билан таржима қиладилар, яна ҳам кўпроқ соҳаларга оид мавзуларни эса

ички ҳис билан, кўпроқ таваккал қилиб ўгирадилар.

Шу маънода «Таржимон ҳамма матнларни ҳам бирдай яхши таржима қилиши мумкинми?» деб берилган саволга салбий жавоб қайтаришга тўғри келади. Бироқ, шу билан бир вақтда таъкидлаб ўтиш жоизки, мавзу умуман нотаниш бўлган ҳолатда юқори ёки ўта юқори малакага эга таржимон ҳаваскор ёки ўртамиёна таржимонга нисбатан тўғри иш тута олади. Вазият жуда экстремал бўлганда ҳам унинг таржимасида қўпол бузилиш ва ноаниқликлар кам бўлади. Акс ҳолда, мисол учун синхрон таржима бўлмас эди. Ахир бундай турдаги таржиманинг турган-битгани тилни мукамал биладиган бироқ, одатда, таржима қилинаётган конференцияга оид соҳадан кам хабардор бўлган таржимонлар томонидан амалга ошириладиган таржима-ку.

7- савол. Ким яхшироқ таржима қилади: профессионал таржимонми ёки чет тилидан хабари бўлган тор ихтисослик мутахассисими?

Бу мавзу жуда мунозарали масалалардан бири деб эътироф этиб келинмоқда. Кўпдан бери одамлар онгида ижтимоий соҳа таржимонлари томонидан қилинган техник адабиётлар таржимаси жуда ёмон чиқиб, уни муҳандислар яхшироқ уддалайдилар деган фикр ўрнашиб қолган. Аслида эса бу масала у қадар содда эмас.

Қуйидаги жадвалда келтирилган «чет тилини яхши биладиган мутахассис» тушунчаси остида профессионал таржимага оид кўникмаларга эга бўлмаган, таржима билан онда-сонда шуғулланадиган, қолган вақтда ўзининг асосий касби билан машғул бўлган шахсларнигина тушуниш лозим. Бунда баён этилган фикр-мулоҳазалар тилга оид маълумотга эга бўлмаса ҳам кўпдан бери таржима билан шуғулланадиган, техник адабиётларни таржима қилишда катта тажриба тўплаган таржимонларга тааллуқли эмас.

Чет тилини яхши биладиган мутахассис (муҳандис ёки ҳар қандай бошқа ихтисослик мутахассиси)	Филологик маълумотга эга тажрибали техник адабиётлар таржимони
Фақат ўзининг тор соҳасига оид кичик ҳажмли, ўртача мураккаб матнларнигина чет тилидан она тилига мақбул сифат билан таржима қила олади холос.	Бир нечта, ўзаро боғланмаган соҳаларга оид мавзуларни чет тилидан она тилига ва тесқари йўналишда етарлича тез ва яхши сифат билан таржима қила олади.
Таржима қилинаётган соҳага оид билимларга эга бўлганлиги боис энг муҳим техник атамаларни профессионал даражада нисбатан аниқ таржима қила олади, матннинг қолган қисмини эса тусмоллаб ўгиради.	Баъзан энг муҳим техник атамаларни тахминан ёки тавсиф билан чекланган тарзда таржима қилишга мажбур бўлади лекин, матннинг умумий мазмунини бузмайди.
Кўп ҳолларда матннинг ўзи тушунмаган жойларини ўгира олмай	Аслият мазмунининг қўпол бузилишига йўл қўймаган тарзда тилга

ўтказиб юборади ёки (янада ёмони) сўз бойлиги чеклангани боис ёхуд синтактик конструкцияни нотўғри идрок этганлиги туфайли матннинг ушбу қисмини умуман тескари маънода таржима қилади.	оид майда тафсилотларни чет тилидан она тилига етарлича аниқ ўгиради.
Таржима тезлиги, одатда, бир кунда 3-5 саҳифа.	Таржима тезлиги бир кунда 7-10 ва ҳаттоки 15 саҳифага қадар етади.

8- савол. Таржима, сифатга нисбатан талаблар нуқтаи назаридан қандай турларга бўлинади?

Қатъий илмий таснифлаб бераман деб даъво қилмайман-у, бироқ сифатга нисбатан талаблар нуқтаи назаридан таржимани қуйидаги турларга фарқлаш мумкин деб биламан:

матн билан танишиб чиқиш учун қилинган ёки хомаки таржима – бунда буюртмачига энг муҳими аслиятда гап нима ҳақида бораётганлиги билан шунчаки танишиб чиқиш ва таржима қилинаётган материал ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш кифоядир;

оққа кўчирилган таржима – бунда буюртмачи таржимондан аслият мазмуни ва шаклини адекват узатишини кутади;

илмий-техник таржима – бунда буюртмачи учун аслият мазмунининг аниқ берилиши ва атамалар кўпол равишда бузилмаслиги муҳим бўлиб, таржима матнининг услубига нисбатан, одатда, қатъий талаб қўймайди;

юримдик ёки муайян иш юзасидан қилинадиган таржима – бунда гап шартномалар ёки бошқа юримдик ҳужжатлар юзасидан бориши ва «аслият мазмунига яқин таржима» етарли бўлмаслиги боис, таржиманинг аниқлигига нисбатан талаб жуда юқори бўлади. Аслиятнинг оз бўлса ҳам бирор-бир қисмини ўтказиб юборилишига, мазмунининг бузилишига ёки таржима эркинлигига йўл қўйилмайди;

матбуот учун ёки нашриётчиликка оид таржима – мазмуни аниқ бўлишидан ташқари, бундай таржима олдига матн ҳижоси, ташқи кўринишининг расмийлаштирилиши ва шу кабиларга оид талаблар қўйилади.

9- савол. Таржимани таҳрир қилиш керакми?

Авваламбор таржиманинг айнан қайси турини таҳрир қилиш кераклигига аниқлик киритиб олмоқ лозим (сифатга нисбатан талаблар нуқтаи назаридан таржима қандай турларга бўлинишига эътибор қаратинг).

Аёнки, оққа кўчирилмаган хомаки таржима таҳрир қилинмайди. Таржиманинг бошқа кўриниши (масалан, оққа кўчирилган, матбуот учун ёки нашриётчиликка оид, илмий-техник, юримдик ва шу каби таржималар матни) ҳақида мулоҳаза юритиладиган бўлса, уни буюртмачига тоширгунга қадар таржимоннинг ўзидан ташқари яна кимдир ўқиб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади, албатта. Таржимон ўз таржимасининг айрим нуқсонларини кўрмай, пайқамай ёки ҳис этмай қолиши мумкин. Четдан туриб қараган одам

нигоҳига эса ушбу хатолар дарҳол кўринади. Буни ёзма таржимонлар орасида «икки жуфт кўз тамойили» деб аташ қабул қилинган.

Таржима сифатига талаб қанчалик юқори бўлса, таржимани таҳрирчи (ёки таҳрирчилар) томонидан ўқиб-ўрганилиб чиқилишига эҳтиёж шу қадар ортади. Жиддий нашриётларда муайян китобни (шу жумладан, таржимани) босиб чиқариш учун «таржимон – стилист – таҳрирчи – корректор – бош таҳрирчи ва ҳ. к.» технологик тизим бўлиши, гоҳо буларнинг бари бир неча бор такрорланиши, хусусан: солиштириб кўриш, иккинчи маротаба таққослаш, оққа кўчириш каби амаллар бажарилиши бежиз эмас. Шунга қарамай китоблар матбаа хатоси ва янглишишлар билан чиққан ва ҳаттоки китоб ичида бир нечта бўш саҳифалар бўлган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб туради.

Бироқ, жаҳон таржима бозорининг бугунги шароитларида таҳрирчилар ҳақидаги гап-сўзлар яхши орзу-истак сифатида кўрилади. Реал ҳолатни олиб қараганда бундай ҳашамни, ҳатто таржима агентлиги ҳам таъминлай олмайди, негаки:

матннинг таҳрир қилиниши таржиманинг 50%га қимматлашишига олиб келади;

таржимани буюртмачига топшириш муддати узаяди;

керакли ихтисосликка эга таҳрирчини реал вақт режимида топиш қийин, баъзан эса иложи ҳам йўқ (мавзуларнинг мураккаблиги ва турлитуманлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади);

муҳаррирликка оид ҳар қандай тузатишлар етарлича мунозарали бўлиб, тил ёки атамаларга доир малакаси етишмаган таҳрирчининг тузатишлари тўғри таржима қилинган матн мазмунининг бузилишига олиб келиши ҳам мумкин;

аксарият ҳолларда энг яхши таҳрир буюртмачи ёки у тайинлаган консультант томонидан бажарилади, негаки улар таржима мавзусини ва пировардида нимага эришиш кераклигини жуда яхши биладилар (буюртмачи, одатда, ички таҳрир ишларини ўзи бажаради, таржимонга эса консультация беришни лозим деб топмайди).

10- савол. Ёзма таржима қандай талабларга жавоб бериши керак?

Таржима тўла-тўқис (аслият матнининг бирор-бир қисми ўтказиб юборилмай, ихтиёрий равишда қисқартирилмай) бажарилиши, мазмуни тегишли атамалар қўлланилган тарзда тўғри берилиши (яъни адекват бўлиши), унда таржима тилининг имло ва грамматика қоидаларига амал қилиниши, услуби аслият услубига мос келиши шарт.

Буюртмачига янглишлар ва имловий хатолардан холи бўлган якуний ва формати тўғри расмийлаштирилган матн тақдим этилади.

Бундан ташқари, таржима матни буюртмачи билан таржима юзасидан тузилган шартномада, буюртмачининг махсус талаблари сифатида қайд этилган барча бошқа хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Тил ва таржимонлар ҳаётига оид ҳикоялар

Ишончим комилки, ҳар бир таржимон ўз фаолияти давомида турли имтиёзларга эришиш, олим-у-уламолар, сиёсий арбоблар ва саркарда-қўмондонлар билан муносабатда бўлишдан ташқари, ажойиб, баъзан эса жуда ғалати воқеалар гувоҳи бўлиб туради.

Қуйида шундай воқеаларнинг айримларини мисол келтираман.

* * *

Бир куни Эронга қўнғироқ қилишга тўғри келди. Гўшакни кўтаришларига аранг эришдим. Эронликлар америкаликларни хуш кўрмасликларини унутмаган ҳолда британиялик кишининг соф акценти билан гапиришга ҳаракат қилдим:

- Гуд монинг. Ду ю спик инглиш? Итс Воткинский Завод компани.

Сўнг сукут сақлаб, эронлик менинг дона-дона қилиб гапирган сўзларимни тушунган-тушунмаганлиги, бирор-бир сўз айтишини кутдим.

Бир неча сония давом этган бош қотирма жимликдан кейин нариги томондан дарғазаб овоз билан таклиф киритилди:

- Слюшай, говори по-русски!..

* * *

Америкалик ҳамкасбим билан нарда ўйнаб ўтирибман. Бир вақт у, ўйин тошларини кўрсатиб, савол бериб қолди:

- Русчасига мана булар нима дейилади?

- Фишка, - дедим.

Унинг юзи дастлаб интеллектуал салоҳият билан билимсизлик ўртасидаги курашни ва ниҳоят фикр равшанлашишини акс этди:

- Ҳа! Тушундим, нима учун фишка дейилиши ва бу ном қайси сўздан келиб чиққанлигини тушундим! – хурсанд бўлиб ҳайқирди у.

Мен шу заҳоти ичимда: “Фишка. Инглизчасига fish, яъни балиқ сўзига ҳамоҳанг эшитилади. Бундан чиқди балиқча деса керакда!”, - деб чамалаб кўрдим.

У эса (муштини тегишлича тугиб):

- Бу сўз “фига!!!”, - деса бўладими.

* * *

Саксонинчи йиллар охирида объектимизга Америка элчиси Джек Мэтлок ташриф буюриши керак бўлиб қолди.

Қутлов нутқи билан чиқиш жамоамиздаги бир валдирвасарга ишониб топширилди.

Фурсатнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги, иккита супер давлат вакиллари унга тикилиб туришларини ҳаддан ортиқ чуқур ҳис этган валдирвасар ҳодиса бошланишидан анчагина олдин нутқ ўқишни ўтақаси ёрилгудай бўлиб машқ қила бошлади.

Юрган йўлида қисқагина нутқни ёд олиб: “Ҳурматли жаноб Джон Мэтлок!..”, - деб юрди.

Унга атрофдагилар: “Ҳаммаси яхши, фақат Мэтлок Джон эмас, Джек”, -

деб уқтиришди.

“Джек. Тушундим”

У яна билганини қўймай: “Ҳурматли жаноб Джон Мэтлок!..”

“Джон эмас Джек”

“Уф, доим адаштириб юборяпман!.. Ёдимдан чиқиб кетяпти.”

“Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ” – дейишди унга, - “Сен ёзувчи Лондонни биласанми?”

“Биламан, хўш?”

“Элчининг ҳам, ёзувчи Лондоннинг ҳам исми Джек! Энди эсингда турадимми?”

“Албатта! Осон экан-ку! Джек Лондон – Джек Мэтлок!”

Ниҳоят кутилган фурсат етди.

Бизнинг мухтор нотиқимиз олдинга ғоз юриш билан чиқиб, йўталиб олганча, тантана билан бошлади:

“Ҳурматли жаноб Джек Лондон!..”

* * *

Дастгоҳни ишга солиш ва созлаш учун қайсидир йили заводимизга Кореялик бир муҳандис келиб-кетди.

Умуман олганда у яхши йигит, фаҳмли мутахассис эди-ю, бироқ завод йигитлари унга “Мана бу плата нима иш бажаради” ёки “Бу дастгоҳда ҳарорат белгиланган энг юқори чегарасидан кўтарилиб кетган фурсатда мой қизишини автоматик ўчириш функцияси кўзда тутилганми?” каби саволлар билан хиралик қилишиб, жон ҳолига қўйишмас эди.

Юртидаги қайси анкетасига инглиз тилини биламан деб ёзгани ва ким унинг сўзига ишониб заводимизга юборганини билмадим-у, бутун бир ҳафта давомида у билан олиб борган мулоқотимиз савияси борасида умумий тасаввур бериш учун қуйидаги воқеани мисол келтираман.

Корейсга минерал сув олиш учун дўконга кирдик. У газли ёки газсиз сув ичишини билиш учун дўкондаги шишадан тайёрланган музлаткичлардан бирини кўрсатиб: “Fresh water”, - дедим. Унинг юзи ҳеч нарса ифода этмади. Майли, бошқача йўл тутамиз.

“Still water”

Юзининг ҳолати ўзгармади.

Ундай бўлса: “Gas” – “No gas”, - дедим.

Ҳатто шундан кейин ҳам йигит қотганича турганини кўриб турибман.

Воқеа нима билан тугаганини биласизми? Ҳар қалай биз унга хуш кўрадиган сувини олиб бердик. Қандай қилиб дейсизми?

Таржимасиз ҳам тушунарли бўлган сеҳрли сўзлар билан ўртоқлашаман: “Пш-ш-ш” ва “Ноу пш-ш-ш”.

Гапнинг қизиғи шундаки, плата нима иш бажаришини биз ҳар қалай ойдинлаштириб олдик.

* * *

Умуман олганда бу суҳбатни эшитиш керак эди.

Кунлардан бир куни Россия шаҳарчаларидан бирида америкалик бир

киши таржимон ҳамроҳлигида бозорда юрган экан. Иттифоқо унинг қулоғига савдогар грузиннинг кучли акцент билан баланд овозда: “Рот закрой да-а?!” – деб айтган сўзлари чалиниб қолибди. Сайёҳ таржимондан ушбу халқ оғзаки ижодини ўгириб беришни илтимос қилибди. Шунда таржимон ролга кириб, савдогарнинг башарасини ифода этганича америкаликка қараб кучли грузинча акцент билан: “Shut up yea-ah?!”, - деб бақариб берибди.

* * *

Бир танишим француз аёл Канададан АҚШга ўтадиган чегарани кесиб ўтаётган экан. Гумрукхонадаги америкалик ундан: “Where are you From?!” , - деб сўрабди. Аёл Торонтодан деб жавоб қайтарибди.

Аёлнинг француз паспортини қўлида ушлаб турган америкалик жиддий қиёфага кириб, Америка божхона хизматининг расмий вакилига ёлғон гапиргани учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирибди ва Франция фуқароси бўла туриб нима учун Торонтодан деб ёлғон гапираётганлиги, Франция фуқароси Торонтодан бўлиши мумкин эмаслиги ва нима сабабдан алдаётганлиги борасида сўроқ бошлабди. Аёл эса алдамаётганлигини айтиб, ўз гапини маъқуллаганича туриб олибди.

Божхона ходими борган сари жиддийлашиб, қовоғини осганича сўроғини давом этибди. Бечора аёл нима қилишини билмай эндигина кўзига ёш олаётган экан, бир пайт уларнинг суҳбатини эшитиб турган киши яқин келибди-да, “Where are you From?!” деб берилган савол “Сиз бу ерга қаердан келдингиз?” эмас, балки “Сиз қаерда туғилгансиз?” деган маънода берилишини тушунтириб, масалага ойдинлик киритибди.

* * *

Ойим тез-тез бизни кига (АҚШга) меҳмонга келиб туради-ю, аммо инглиз тилини билмайди. Одамлар онами суҳбатга чорлаб, мушкул аҳволга солиб қўймасликлари учун инглизча гапирган кишиларга қандай жавоб қайтариш кераклигини унга ўргатиб қўйганмиз. Ойим эса мусиқий истеъдод соҳибаси бўлиб, биз ўргатган сўзларни чунонам яхши ва ишонарли талаффуз этадики, қўяверасиз. Бу эса ҳар доим ҳам мақбул натижа бермас экан. Мисол учун, дўкон ёки гумрукхонадаги одамлар ойимдан бирор-бир нарса ҳақида сўрашса у жуда аниқ, ҳар бир сўз урғусини тўғри бериб, акцентсиз: “Sorry, I don’t speak English” – деб жавоб қайтаради.

Унинг беназир талаффузини эшитган одамлар инонмай, инглизча мурожаат этишни давом этаверади. Бу аҳвол ҳар гал, токи америкаликлар зўр бериб уринишиб, ишонқирамай таслим бўлмаганларига қадар давом этаверади.

* * *

Университетимизга гоҳ-гоҳ бир америкалик профессор ташриф буюриб турар эди.

Ўша кезларда америкаликлар билан ишлаш амалиётим бўлмаган,

уларнинг, айниқса жанубликларининг талаффузига кўникмаларим эса умуман шаклланмаган эди.

Профессорнинг навбатдаги ташрифига мен бир қатор саволлар, асосан штатлардаги аспирантурага ўқишга кириш учун қандай шартлар жорий этилганлиги ҳақида саволлар рўйхатини тузиб қўйган эдим.

Профессор билан суҳбат бошида-ёқ, унинг акцентини тушуниш жуда қийинлигини англаб етдим, саволларга бераётган жавобларини, айрим узук-юлуқ сўзларини инобатга олмаганда, умуман фаҳмлай олмадим.

Уялиб қолишни истамай, ақл-идрок ифодалаган юзим билан унинг тушунтиришларига жавобан бош ирғиб, саволлар рўйхатининг охиригача аранг етиб бордим.

Суҳбатимиз ниҳоясида қўл сиқишдик. Шунда мен унинг охириги сўзларини тушуниб қолдим – у, ўқишга кириш менга осон кечишини айтди, эмишки, аксарият тенгдошларимга нисбатан менинг энг асосий устунлигим – инглиз тилида яхши гапира олишим экан.

Ҳафсаласини пир қилгим келмади, ҳақиқатан ҳам гапиришга гапирар эдим, тушунишга келганда эса ... бу шарт эмасдир эҳтимол.

* * *

Бешиқдан қабргача ўқиб-ўрган дейилади, бироқ ... кишининг эси паст бўлса, пастлигича ўтиб кетар экан.

Қайсидир йили музокара ўтказиш учун корхонамизга бир ҳинду ташриф буюрди.

Иш юзасидан олиб борилган ёзишмаларда кўнгилсизликлар аломатидан дарак бўлмаган. Бироқ, ҳамма бало ҳинду келиб оғиз очиши билан бошланди. Агар аниқроқ айтсам, энг асосий муаммо унинг деярли оғиз очмаслиги, яъни шу тарзда мулоқот қилишидан иборат эди.

Саксон фоиз вақт ҳинду қайси тилда гапираётгани тушунарсиз бўлиб ўтди-кетди. Музокаралар мавзуси эса ўта жиддий – ҳамкорликдаги тижорат лойиҳаларини тузиш, қўшма корхона яратиш ва шу кабилар.

Мутахассисларимиз унга муайян бир чизмани кўрсатишиб, тавсифлаб беришар, мен эса уларнинг тушунтиришларини таржима қилиб, ҳиндуни гап уқаётган-уқмаётганлигини билиш мақсадида пинҳон кузатиб борар эдим.

Разм солсам, йигитлар унга ниманидир (мен орқали, албатта) тушунтириш учун жон куйдириб терга ботиб кетишди, у эса бошини чайқаб: “Не-е-е”сини қўймайди.

Йигитларни тўхтатдим.

“Жаноб, нима учун “не”? Бирор нарса тушунарли эмасми ёки эътироз борми? ”, - деб, рози ёки норозилигини сўрадим, у эса яна:

“Не-е-е”...

“Нимаси “не”? Нимадан рози эмассан?!”

“Ҳамма нарсдан розиман”

“Хўш, ундай бўлса, ес ми ёки ноу ми?!”

“Ес”

Икки дақиқа ўтгач, яна ўша аҳвол. “Не-е-е”... дейди-да, бошини сарак-сарак чайқайди.

“Яна нима бўлди, нима маъқул келмади?”

“Ҳамма нарса маъқул.”

“Хўш ундай бўлса нима учун “не”?”

“Не-е-е”...

“Ҳар қалай ес ми ёки ноу ми?”

“Ес”

Музокара шу алфозда ўтди. Жиғибийрон бўлдим, таржималарим унинг ақлига етиб боряпти-ми ёки йўқми ўйлаб асабийлашиб кетдим, бу тулум эса қовоқ бошини чайқгани-чайқанган.

Кейинчалик англасам, ҳиндуларнинг одати ҳам худди болгарларникига ўхшаш, яъни агар киши бошини чайқаса – демак у рози, ҳамма нарсани тушунди, ҳеч қандай эътирози йўқ, агар бош ирғитса – аксинча экан!

Бироқ, унинг “Не-е-е”си америкаликларнинг “Yeah” сўзига тақлид қилишга уриниши эдими ёки ўз она тилида “Ҳа” дегани-ми – мендек эси пастнинг зулматда қолган сири бўлганича қолиб кетди.

* * *

Ирландияда ишлаб юрган кезларимда бир куни, метродаги йўловчилар роса кўпаядиган эрталабки соатларда ишга ошиқиб кетаётган эдим. Дафъатан мутлақо нотаниш бир киши мен томон бурилди-да: “А ю рашн?”, - деб сўраб қолди. Умуман кутилмаган саволга жавоб бера олмай тилим танглайимга ёпишиб қолди.

Ўша кишининг одамга бир қараб миллатини аниқлай олиш қобилиятини ўйлаб, бир неча кун тинчимни йўқотиб юрдим. Охири фикрим равшанлашиб, саволининг фаҳмига етдим: ахир у “Are you Russian?” эмас, балки “Are you rushing?”, яъни “шошилясизми?” деб сўради-ку.

Араб Амирликларида ўтказилган нефть-газ жиҳозларининг кўргазмасида ўз дастгоҳи билан иштирок этган муҳандис ҳамкасбим айтиб берди:

Кўргазмалар залида унинг олдига аҳён-аҳён араблар келишиб, экспозициясига ишора қилишар ва уни ҳайрон қолдирганларича ҳаммаси бирдай соф рус тилида “Крутой?”, - деб сўрашар экан. У ҳам саволга яраша “Крутой!”- деб ғурур билан жавоб қайтарган экан. Ахир, дастгоҳ ҳақиқатан ҳам зўр бўлганидан кейин зўр дейиш керакда!

Мағрур юрганининг сабабини билган шерикларидан бири: инглизчасига “Crude oil?” деб берилган савол “Хом нефть учунми?” деган маъно англатишини тушунтириб қўйибди.

Яна бир воқеа.

Қайсидир йили объектимизга америкаликлар ташриф буюришди. Кутилмаганда корхонани томоша қилиб юрган меҳмонлар орасидаги бир хонимнинг қорин соҳаси қаттиқ оғриб қолди. Зудлик билан ўтказилган

диагностика натижасида кўришак касаллиги аниқланди. Машинага юклашиб Ижевскка олиб кетишди (маҳаллий шифокорларга Америка аппендицити эътимод қилинмади).

Бир соатдан сўнг америкаликларнинг навбатчиси бизга кўнғироқ қилиб америкачасига савол бериб қолди: “Бизнинг қизимизни қаёққа олиб кетиб қолишди?”

Аслида хонимчани еттинчи сонли медсанчастьга олиб кетишган эди.

Қани, Америка тили билафонлари, айтинг-чи “еттинчи сонли медсанчасть” сўзлари америкачасига қандай айтилади?

Билмайсиз-ми? Мен ҳам билмайман.

Ўта тўмтоқлик билан иш кўришга, яъни гапни сўзма-сўз таржима қилишга қарор қилиб: “Медикал Сэнитари Стейшн намба севен”, - деб жавоб қайтардим.

Нариги томонда ярим дақиқа давомида сув қуйгандек жимжитлик қарор топганлигини ҳис этдим, сўнгра навбатчининг даҳшатдан титраган овози эшитилди: “Уай?! Семетери?!”

Бундай саволдан эса ўзим ҳам бир муддат тарашадек қотиб қолдим, сўнг гапирган гапимни англаб етгач, қаҳқаҳа уриб кулиб юбордим-да, уни: “Нот семетери”. “Сэнитари”. Лайк “клин”, - деб тинчланттирдим.

Навбатчи енгил тортиб, тушунганини тасдиқлади-да гўшакни осиб қўйди.

***Изоҳ:** қуйидаги оҳангдош сўзлар аниқ эшитилмай қолиб, янглиш англаган ҳолат юз берган: “Sanitary” (санитария) ва “Cemetery” (қабристон).

Заводимизга Канададан аудит ташриф буюрди.

Биринчи кун – муқаддас кун, албатта. Меҳмонларни, кўкариб кетишганларича ва ҳамёнлари деярли банкрот бўлиб қолганларича музей-ю дўконларга олиб бориб сайр қилдирдик.

Эртасига улардан завод радиоси интервью оляпти. Кеча сайр қилавериш боши айланиб қолган аудиторлар ҳалигача ўзларига келишмаган, шу боис уларнинг энг айёри саволларга жавоб бериш масъулиятини, ушбу манёвр ўз вақтида ҳаёлига келмаган шеригининг зиммасига юклади-қўйди.

Саволлар орасида беғараз бир савол берилди: “Эртага қайси цехларга ташриф буюрмоқчисиз?”

Бир вақт саволларга жавоб бераётган киши хотини Россиядан нима олиб келишни буюрганлигини, болалари ва невараларига нималар олиб бормоқчи эканлигини узоқ ва батафсил санаб беришга киришиб кетди.

Ҳамма қатори мен ҳам нима бўлаётганлигини тушунмай қолдим.

Анави айёр билан менинг ақлимга ушбу ҳолат сабаби аста аён бўлиб қолгач, иккаламиз ношоён қаҳқаҳа уриб юбордик.

Аудиторни, сал кам Гайават замонидан буён фаолият юритиб, ўз соҳасида жуда бой иш тажрибасига эга муҳандисни қай даражага етказиш

(яъни, нечта дўконга олиб бориш) керак эдики, у “shop” сўзини эшитгач, ўйлаб-нетиб ўтирмай дўконни тасаввур этса!..

***Изоҳ:** “дўкон” (яъни, ул-бул нарса сотиладиган жой) ва “цех” сўзлари инглиз тилида айни бир сўздир.

Инглиз тилини ўрганаётган қизим билан бирга ўтириб, матн ўгирияпмиз. “Network” сўзига етиб келганимизда бола, контекстга қараб ўтирмасдан: “ишламайди”, - деб таржима қилди.

Унга тўмтоқ нигоҳ билан қараб: “Ие, нега энди “ишламайди” бўлар экан?”- деб сўрадим.

Истеъдод билан берилган жавобнинг ўзи содда: “Телевизорда канал йўқолиб қолганда экранга “network” сўзи чиқади. Бу эса канал ишламайди дегани.”

Мантиқан тўғри, албатта ...

Америкалик таржимон ҳамкасбим бир воқеани айтиб берди.

Унинг рус хотини инглиз тилини, эр-хотин сафардан-сафарга юриб, кўчманчидек кечган ҳаёт тарзини тўхтатиб, Америкада кўзи ёрилганидан сўнг ўрганишга киришибди. Эр бу масалада хотинига қўлидан келганича ёрдам берибди. Тил ўрганиш жараёнида хотинининг устидан фақат бир маротаба мириқиб кулибди.

Гап шундаки, ўғлининг туғилган қунига келган болалар уйда чопқиллашиб, тўс-тўполон қила бошлашибди. Хотинининг бунга бардоши чидамай миясига ақлли бир фикр, у ҳам бўлса, болаларни ўйнаш учун ҳовлига чиқариб юбориш ғояси келибди ва болаларга қараб: “You'd better go play in the outhouse” - дебди.

Бу сўзларни эшитган болалар эса ерда ётиб олишиб, анча вақтга ўйнаш қобилиятларини йўқотиб қўйишибди.

***Изоҳ:** унинг хотини: “Яхшиси ташқарига чиқиб (“out of house”) ўйнанглар”, - деб айтмоқчи бўлган, бироқ у “in the outhouse” – “ҳожатхонада”, - деб юборган.

ТАРЖИМА ҲАҚИДА БАРҚАНОТ ГАПЛАР

Таржима ва таржимонлар ҳақида барча барқанот гапларни шу ерда, аслият тилида ва ўзбек тилига таржима қилинган ҳолатда жамлашга қарор қилдим, зеро уларни ҳамма ўқисин ва бу касбнинг нақадар муҳим, долзарб, зарур эканлигини, таржимасиз ҳар қандай тараққиёт батамом тўхтаб қолишини билсин ва идрок этсин.

Мнение о том, что всякий, знающий два языка, способен переводить с одного из них на другой, столь же далеко от истины, как и утверждение, что всякий, умеющий писать, может быть писателем.

Есть много способов перевести книгу, лучший из них – поручить это дело переводчику.

Название Канарские острова в переводе с латинского звучит как... Собачьи острова: То-то я всегда чувствовал какой-то подвох...

Перевод - всегда комментарий.

Переводил со всех языков на суконный.

Переводчики – почтовые лошади просвещения.

Точный перевод с языка одной страны на язык другой так же затруднителен, как и конвертирование валют этих стран.

Владею русским со словарем, французским, хинди, испанским, банту и другими с переводчиком.

Солдат, владеющий двумя языками, стоит dvoих

Ёзишни билган ҳар қандай одам ёзувчи бўла олиши адолатдан қанчалик йирок бўлса, икки тилни билган ҳар қандай инсон таржимон бўлиши ҳақиқатдан шунчалик узокдир.

Н. Шахова, таржимон

Китобни таржима қилишнинг усуллари кўп, улардан энг яхшиси – ушбу ишни таржимонга топширмақдир.

Дмитрий Пашков

Канар ороллариининг номи лотин тилидан ... Итлар ороли сифатида таржима қилинар экан: Шунинг учун ҳам мен ... бунда қандайдир фириб борлигини ҳис қилиб юрган эканман-да.

Владимир Борисов

Таржима – доимо шарҳни англатади

Лео Бек

Барча тиллардан ғализ тилга таржима қилганман.

Эмиль Кроткий

Таржимонлар – маърифатнинг почтачи отларидир.

А.С. Пушкин

Бир мамлакат тилини бошқа мамлакат тилига аниқ таржима қилиш, уларнинг валюталарини конвертация қилишдек мушукул кечади

Валерий Афонченко

Рус тилини луғат орқали ўқийман, француз, хинди, испан, банту ва бошқа тилларни – таржимон орқали.

Владимир Колечицкий

Иккита тилни билган аскар икки нафар жангчи ўрнини босади

Наполеон Бонапарт

То, что невозможно перевести с одного языка на другой, не несет гуманистического заряда - это всего лишь племенные суеверия.

Каждый язык - это особое уравнение между обнаружением и умолчанием. Каждый народ умалчивает одно, чтобы суметь сказать другое. Потому что всё сказать невозможно. Отсюда огромная трудность перевода.

Чтобы плохие произведения стали лучше, их нужно талантливо перевести на другой язык.

Из десяти переводчиков девять не знают языка, с которого переводят, а из десяти знающих язык, с которого переводят, девять не знают языка, на который они переводят.

Президенты общались в теплой дружественной обстановке ... пока не пришел переводчик.

Всякий перевод представляется мне безусловной попыткой разрешить невыполнимую задачу. Ибо каждый переводчик неизбежно должен разбиться об один из двух подводных камней, слишком точно придерживаясь либо подлинника за счёт вкуса и языка собственного народа, либо своеобразия собственного народа за счёт подлинника. Нечто среднее между тем и другим не только трудно достижимо, но и просто невозможно.

Маънонинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилинмаслиги унда гуманистик куч борлигини англамайди – бу бор-йўғи қабила хурофотиғина холос.

Станислав Ежи Лец

Ҳар бир тил – ошкор қилиш ва сукут сақлаш орасидаги тенгламадир. Ҳар бир халқ бир нарсани айтиш учун бошқа нарса ҳақида сукут сақлайди. Зеро ҳамма нарсани айтиб бўлмайди. Таржиманинг ўта қийинлиги шу туфайлидир.

Ортега-и-Гассет

Ёмон асарлар яхши бўлиб қолиши учун, уларни бошқа тилга мохирона таржима қилиш керак.

Владимир Голобородько

Муайян тилдан таржима қилишаётган ўн нафар таржимондан тўққиз нафари ушбу тилни билмайдилар, муайян тилни била туриб таржима қилишаётган ўн нафар таржимондан тўққиз нафари эса таржима тилини билмайдилар.

Шарль Нодье

Президентлар, таржимон етиб келгунга қадар, дўстона вазиятда самимий суҳбат қуриб ўтиришган эдилар.

Халқаро ҳазил-мутойибалардан

Ҳар қандай таржима, менинг назаримда, амалга ошириб бўлмайдиган муаммони ҳал этишга тиришқоқлик билан уринишдек кўринади. Негаки, ҳар бир таржимон икки тўғаноқнинг бирига, яъни ўз халқининг тили ва услубига ҳаддан ташқари амал қилгани оқибатида аслиятга ёки аслиятга ортиқ даражада амал қилгани натижасида ўз халқининг ўзига хос хусусиятига бориб урилиши керакдек гўё. Иккаласининг орасида ўртамиёна нарсага эришиш нафақат қийин, балки чиндан ҳам бунинг имкони йўқ

Вильгельм фон Гумбольдт, буюк немис тилшуноси

После Космоса перевод остается наиболее сложным и непознанным явлением

Переводчик прозы – раб, а переводчик поэзии – соперник.

На международных конференциях переводчику платят не за перевод, а за то, как он говорит

Не бывает переводов с языка на язык - а лишь переводы со стиля на стиль.

Дух языка отчетливее всего выражается в непереводаемых словах.

Перевести произведение с одного языка на другой - все равно что снять с него кожу, перевести через границу и там нарядить в национальный костюм.

В переводе я передаю не слово в слово, а мысль в мысль.

Некоторые переводы могут передать лучше мысль поэта, чем он сам это сделал. Бюст Гомера в Неаполе, наверное, больше похож на него, чем его собственное лицо, если, как я надеюсь, он существовал.

Таржима бугунги кунга қадар,
Космосдан кейинги энг мураккаб ва
идрок қилиб бўлмайдиган воқеалигича
қолмоқда

Роджерс, инглиз файласуфи

Наср таржимони аслият қули, шеърият
таржимони – рақибидир.

Жуковский

Халқаро конференцияларда таржимонга
таржима қилгани учун эмас, чиройли
гапиргани учун ҳақ тўланади

машхур Женева таржимонлар мактаби асосчилари

Тилдан тилга эмас, услубдан услубга
ўгирилган таржималар бўлади

Ульрих Виламовиц-Меллендорф,
немис классик филологи (1848-1931)

Миллат тилининг жонли руҳи
таржима қилиб бўлмайдиган сўзларида
яққол ифодаланади

Мария Эбнер-Эшенбах,
австриялик адиба (1830-1916)

Асарни бир тилдан бошқа тилга ўгириш
– унинг терисини шилиб олиш, ватанидан
ёт юртга олиб чиқиш ва ўша ернинг
миллий либосини кийдириб ясантириш
билан баробардир.

Карл Краус
австриялик ёзувчи (1874-1936)

Таржимада мен сўзни сўзга эмас, ғояни
ғояга олиб ўтаман

Иероним, илоҳиёт намояндаси,
Библия таржимони (тахминан 342 - 420)

Айрим таржималар шоир айтмоқчи
бўлган ғояни шеър муаллифнинг ўзидан
ҳам кўра равшанроқ етказиши мумкин.
Гомернинг Неаполдаги бюсти юзига
нисбатан обҳоламан ўзига ўхшаса керак,
агар у умуман, умид қиламан-ки, яшаб
ўтган бўлса.

Алексей К. Толстой,
ёзувчи (1817-1875)

Перевод – это автопортрет переводчика.

Человек, наделенный слишком многими способностями, кончает свою карьеру в должности переводчика в ООН.

Таржима – ички ҳис, шахсий ҳаётӣ таҷриба, матн замиридаги маънони англаш ва шу каби кўплаб мезонларни ўз ичига қамраб олувчи ижодий ишдир.

Таржима – таржимоннинг автопортрети дир.

Корней Чуковский,
ёзувчи ва мунаққид (18882-1969)

Парвардигор ҳаддан ортиқ қобилият инъом этган инсон ўз хизмат мавқеини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, таржимон лавозимида яқунига етказди.

Питер Устинов

Перевод есть творческая работа, охватывающая внутренние чувства и личный жизненный опыт переводчика, постижение им затаённого в тексте смысла и многих других критериев

Ш. Долимов, ҳарбий таржимон

Азиз ҳамкасбим ва муҳтарам буюртмачи!

Рисолани сабр-тоқат билан охиригача ўқиб, унда билдирилган фикр-мулоҳазаларга танқидий кўз билан қараганингиз, тавсия ва маслаҳатларни синчковлик билан ўрганиб чиққанингиздан жуда миннатдорман. Зеро бунда таржимонлик соҳасида тўпланган таҷрибалар билан ўртоқлашдим ва умид қиламан-ки, оз бўлса ҳам сизга нафи тегади. Муваффақият ва профессионал баркамолликни сизга чин юракдан тилайман.

Таржимон бўлмаган дўстларимга ҳам омонлик тилаб, айтмоқчиман-ки: алоқачини алоқа узилиб қолгандагина эсга олишгани каби таржимон ҳам, одатда, таржима сифатсиз чиққанда эсга олинади. Таржимоннинг маҳорати киши билмас бўлиб қолишдан, яъни сиз китоб мутолаа қилар экансиз, аслида у бошқа тилда ёзилганлигини унутишингиздан; фильмдаги барча диалоглар сизга тушунарли, сахна қаҳрамонларининг суҳбати мантиқан боғланган, бирор-бир нуқсонга йўл қўйилмаганлигидан иборатдир. Шунинг учун, агар йўриқномани ўқиб усқунани тўғри ишлата олган бўлсангиз, таржима қилинган роман сизга ёққан ёки дубляж қилинган фильм кўнглингизни очган бўлса, ёдингизда бўлсин, бунда нафақат йўриқнома ёки бадиий асар муаллифи, режиссёр ва актёрлар, балки таржимоннинг ҳам ҳиссаси улқандир. Бас шундай экан хаёлан бўлса ҳам – таржимонга ташаккур билдириб қўйинг.

Эҳтиром ила,

Ш. ДОЛИМОВ

Хотима

Долимов Шокир Зокировичнинг “Таржима санъати ва муаммолари” номли рисоласига

ТАҚРИЗ

Мазкур рисолада таржимага оид энг долзарб муаммолар ҳақида маслаҳат ва тавсиялар берилган бўлиб, унда бу соҳада тез-тез учраб турадиган саволларга бир қатор жавобларни топиш мумкин. Айниқса маҳоратли, ҳар томонлама етук таржимонлар бўлиб етишиш учун энг кераклик фикр-мулоҳазаларни берилиши бўлажак юқори малакали таржимонларни етиштириб чиқишда бу рисола шубҳасиз ёрдам беради.

Рисоланинг материаллари ҳозирги замон талабига жавоб беради. Унда таржимонлик касбини танлаган ёш йигит-қизларга 9 та маслаҳат ва 21 та тавсиялар берилган. Оғзаки таржимонларни ўз касбларига қизиқтириш учун берилган тавсиялар уларни таржимонлик фаолиятларини енгиллаштиришга ва таржималарининг сифатли, тушунарли ва ниҳоятда тўғри ва ишонarli бўлишига кўмаклашади.

Мазкур рисолада таржимонлик касбининг энг нуфузли ва зарурий касблардан бири эканлиги эътироф этилган. “Таржима – ички ҳис, шахсий ҳаётий тажриба, матн замиридаги маънони англаш ва шу каби кўплаб мезонларни ўз ичига қамраб олувчи ижодий иш” эканлиги жуда тушунарли баён қилинган.

Бу китобда таржимон учун она тилини яхши билиши нақадар зарур эканлиги таржима жараёнида нафақат чет тилини билишга, балки она тили меъёрларини билиш кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган.

Бундан ташқари, чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қилиш ўртасидаги фарқлар ва бу жараёнларнинг қийин кечиш сабаблари рисолада аниқ ёритилган. Бу соҳада таржимага қизиқувчи ва бўлажак таржимонларнинг нимага кўпроқ эътиборларини қаратишлари учун асосий маслаҳат деб қараш мумкин.

Ушбу рисоланинг бошқа дарслик ёки ўқув қўлланмалардан фарқи, аввало унинг содда тилда ёзилиши, профессионал таржимонлар ёки чет тилидан хабардор бўлган тор ихтисослик мутахассислари ўртасидаги фарқларни ўз ичига олади. Унинг ўқув матнлари содда ва талабаларга тез етиб борадиган усулда тузилганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг онгини, тасаввурини тез ривожлантиришга кенг имконият яратади.

Таржимон ўз фаолияти давомида турли маданиятларнинг ўзига хос жиҳатлари, тафовутларини аниқ тасаввур этиши, олинган ахборотни бошқа маданиятга эга бўлган кишиларга етказа олиши – таржимон касбининг ўзига хос хусусияти эканлиги аниқ ифода этилган.

Бизнинг фикримизча, мазкур рисола ниҳоятда зарур ва керакли китоб бўлиб, у талабалар ва таржима соҳасига қизиқувчилар учун сўзсиз ёрдам беради ва чоп этилишига тавсия этамиз.

**Ўз ДЖТУ, филология фанлари номзоди,
профессор**

А. Т. Ирисқулов

**Ўз ДЖТУ, филология фанлари номзоди,
профессор**

О. М. Мўминов

Ушбу рисола таржимонлик касбига оид ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада яратилган ўқув қўлланма ҳисобланади. Маълумки, таржимонлик касби – дунёда кенг тарқалган ижодий касблардан биридир. Агар таржима санъати бўлмаганида миллий маданиятлар ва инсониятнинг буюк даҳолари яратган ўлмас фан ва санъат обидалари бир-бирлари билан абадий учрашмайдиган қоялар, тоғлар ва инсон оёғи етмайдиган оролларга ўхшаб яққаланиб қолган бўлар эди. Ажаб эмаски, Абу Али Ибн Сино фақат “бухоролик”, Абу Райҳон Беруний ва Ал Хоразмий – фақат “хоразмлик”, Мирзо Улуғбек эса фақат “самарқандлик” олим бўлиб қолар ва дунё кенгликларига чиқа олмас эдилар.

Таржимасиз уларнинг илм ва ҳикматлари умумбашарий маъно касб этмаган, асрдан-асрга, элдан-элга, йилдан-йилга ўтиб, жаҳон халқларининг тарихи ва тақдирида, илм-фани, маданияти ва маърифатида улуғлик даражасига кўтарилмаган бўлар эдилар.

Рисолада таржима санъати ниҳоятда оғир санъат эканлиги тўғри очиб берилган. Шунинг билан бир қаторда таржимон таржима ҳақида зарурий маълумотларнинг ҳеч бўлмаса асосий тушунчаларидан хабардор бўлиши кераклиги тушунтирилган. Бунинг учун профессионал таржимонларда шаклланган кўникма ва усулларни ўзлаштириш ва таржима бюрolari хизматларидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.

Таржимонлик узоқ тарихга эга бўлса ҳам, у фан сифатида эндигина шакллана бошлади десак хато бўлмайди деб ўйлаймиз.

Ҳарбий таржимон Ш. Долимовнинг ушбу рисоласи бунга яна бир бор далилдир. Рисола шу соҳа учун амалий аҳамиятга эга бўлган энг зарур масалаларни маълум даражада ёритиб беришга хизмат қилади, унда таржимонлик касби, таржима қиёфаси, оғзаки ва ёзма таржималар, машинавий таржималар тўғрисида ҳам фойдали фикрлар юритилган.

Муаллиф таржимонлик касбини танлаган йигит қизларга – бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш учун қимматли маслаҳатлар берган. Бундан ташқари рисолада 21 та тавсия, 10 та савол ва уларга жавоблар ҳавола қилинган.

Булар эса ўз навбатида, қимматли амалий фикрлар, синовдан ўтган мулоҳазалардан иборатдир.

Рисола содда ва раван илмий услубда ёзилган бўлиб, талабалар, курсантлар, кенг китобхонлар ва ёш таржимонлар учун фойдали қўлланма бўлади деган умиддамиз.

Ўйлаймиз-ки, мазкур рисола таржимонлик оламига қадам қўйган ёшларга зарур ва фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Уни нашрга тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
филология фанлари номзоди,
“Жаҳон адабиёти” журнали бўлим мудири**

Ортиқбой Абдуллаев

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
(Интернет саҳифаларидан олинган)**

1. Н. Шахова. Кому дано предугадать
2. Е. Рябцева, А. Шитин. Начинающему фрилансеру
3. М. Якушина. Машинный и профессиональный перевод
4. Л. Н. Пороховник. Хочешь заказать перевод? Спроси меня, как!
5. Ю. Новиков. Вопросы и ответы (шахсий сайтидан)
6. В. Виноградов. Восприятие и воссоздание текста как этапы переводческой деятельности
7. Бюро переводов «Глагол». Девять мифов о профессии переводчика
8. Е. Русакова. Работа по профессии переводчик
9. С. А. Багдерина. Из жизни переводчика
10. К. Душенко. Афоризмы. В начале было слово
11. Интернет тармоғи саҳифаларида ёритилган яна бир қатор бошқа мақолалардан олинган ҳамда «Таржимонлар шаҳри» форуми иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар.